Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi



# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 49 (4604) 2020-yil 8-dekabr

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Муҳтарам ватандошлар!**

Сизларни улуғ айём – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

**Қадрли дўстлар!**

Дунё миқёсида авж олган коронавирус пандемияси туфайли бу йил Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмаяпти. Лекин, шунга қарамасдан, бу байрамнинг руҳи ва шукуҳи қалбларимизда, юракларимизда давом этмоқда. Бу айём юртимизнинг меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг кўламли ва шиддатли демократик ислоҳотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгартиришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда.

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ана шу улкан салоҳиятга таяниб, халқимиз бугунги кунда мураккаб синовларни мардона енгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт – янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

**“Янги Ўзбекистон” деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.**

Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга албатта юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

**Ҳурматли юртдошлар!**

**“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”** деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланмоқда.

Ана шундай конституциявий пойдеворга асосланган ушбу тизим дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, жумладан, глобал пандемияга қарши курашда, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзини тўла оқлади.

Конституциямиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортга қайтмайдиган демократик ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Аввало, Асосий қонунимизда кафолатланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Пандемия даврида аҳоли соғлиғини сақлаш, ишсиз қолган фуқароларга ёрдам беришга, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўткир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юртдошларимизга янги уйларнинг калити топширилди.

Шу билан бирга, Сардоба туманида офатдан зарар кўрган хонадонлар учун кўп қаватли янги уйлар, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олган гўзал ва замонавий шаҳарча бунёд этилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига киради.

Фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал ишлар давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси пандемия ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш имконини бермоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Қадрли юртдошлар!**

Конституциямизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилмоқда.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётий муаммолари аниқланиб, 300 мингга яқин оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланмоқда.

Юрт бошига иш тушган оғир кунларда бизнес ҳамжамияти, тадбиркор ва фермерларимиз, меҳр-оқибатли фуқароларимиз иштирокида ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати инсонпарварликнинг яна бир юксак намоёни бўлди. Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

**“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади”**, деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга мисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда **Учинчи Ренессанс** – миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим конституциявий тамойил – инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилингани, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **“бир суд – бир инстанция”** тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда.

►2

*8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун*

## БУЮК КИТОБ

**Адолатни сўйлар бу китоб,**
**Бахтимизни куйлар бу китоб.**
**Меҳр берди ота-онамга,**
**Боламни ҳам ўйлар бу китоб.**

**Юрагимдан тошаётган сўз,**
**Қонун билан яшаётган сўз.**
**Хизмат қилиб элу юртимга,**
**Асрлардан ошаётган сўз.**

**Сўзласин ер, сўзласин осмон,**
**Давлат қуриш эмасдир осон.**
**Бу китобни ўқир мамлакат,**
**Бу китобда қаҳрамон – инсон.**

**Буюк китоб, бу буюк китоб,**
**Жамиятда ишлайди шитоб.**
**Ҳаёт учун зарур ҳуқуқ, бурч,**
**Ҳар қадамда зарур ҳамма боб.**

**Инсон қадри дунёга зийнат,**
**Эркин яшар ҳар шахс, ҳар миллат.**
**Бу китобнинг ижодкори – халқ,**
**Бу китобнинг тимсоли – давлат.**

**Халқим учун ушалган армон,**
**Ватан учун қилич ва қалқон.**
**Буюк китоб олий кафолат,**
**Ўзбекистон, жон Ўзбекистон.**

**Янги замон шоҳномаси бу,**
**Янги давр тавсифномаси.**
**Ўзбекистон раҳнамоси бу,**
**Тараққиёт ташрифномаси.**

**Адолатни сўйлар бу китоб,**
**Бахтимизни куйлар бу китоб.**
**Меҳр берди ота-онамга,**
**Боламни ҳам ўйлар бу китоб.**

**Рустам МУСУРМОН,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири**

***«Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.***
***Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.»***

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 4-модда.*

## БИТИГ ВА ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР

**Тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор**
**Қосимжон СОДИҚОВ билан суҳбат**

**— Она тилимизнинг жамиятимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсда обрў-эътибори ортиб бормоқда. Тилимиз нуфузи ва мавқеини янада ошириш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлар, 21 октябрь санасининг Ўзбек тили байрами куни, деб белгилангани халқимиз, айниқса, ижодкорлар, илм-фан аҳли томонидан улкан мамнуният билан эътироф этилди. Президентимиз шу йил 20 октябрда яна бир тарихий ҳужжат — “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади. Ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти, тарихий аҳамияти ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Бу фармоннинг эълон қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, қолаверса, ўзбек тили тарихида улуғ ҳодиса бўлди. Бу ҳам бўлса, асрлар оша бойиб, ривожланиб келган она тилимизга бўлган юксак эътибордир. Шу ўринда мен эътиборингизни давлат ҳужжатида тилга олинган икки масалага қаратмоқчиман.

Фармонда давлат тилини ривожлантириш, янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Демак, тилни ривожлантиришга, луғатимиз янги сўз ва атамалар билан бойишига кенг йўл очилаётир. Бу нарса ўқимишли кишиларга, айниқса, тилшуносларга катта вазифаларни юклайди. Шунингдек, фармонда давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, интернет жаҳон ахборот тизимида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш лозимлиги таъкидланган.

►5

## ЎТЛИ СЎЗЛАР ШОИРИ

*“...Бахт сўзин айтаман элдан кейинроқ”. Унинг ҳар бир сатри мана шундай ёниқ эди, дардли эди. У шеърларида “Ватан”, “Халқ”, “Жасорат”, “Кураш”, “Озодлик” сингари олов сўзларни куйлади. Куйлаганда ҳам ёниб куйлади.*

“Ҳар бир сўз етажак юзта умримга” — шоир таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбир шундай номланди. Унда шеърлари орқали миллатни уйғотишга бел боғлаган шоир – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шавкат Раҳмон хотирланди.

Кечада Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шоир билан боғлиқ хотираларини ёдга олди: “Шавкатдан бир жилдгина китоб қолди. Аммо унинг шеърларини алоҳида нашр қилиш керак. Таржималарини ҳам жилдликларга қўшса бўлади”.

Педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдош шоирнинг шеъриятини чуқур ва нозик таҳлил қилиб берди. У Шавкат Раҳмон умрини очунни ёритган шамга қиёслади: “У ёниб турган шам эди... Шавкатдай шоирни эслаш унга эмас, бизга керак. Биз учун, бизни ўйлаб, бизни деб ўтган одамни танимоқ, сирли дафтарининг варақларини очиб ўқимоқ бизга керакдир”.

Кечада сўзга чиққан ижодкорлар Шавкат Раҳмоннинг ижоди, ҳаёти ҳақидаги самимий хотираларини сўзлади. Табиийки, йиғилганларнинг юз-кўзида айтилган сўзларнинг тасдиғи ва таъсири сезилиб турарди.

Инсон умри қанча яшагани билан эмас, қандай яшагани билан ўлчанади. Гарчи қирқ олти йил умр кўрган бўлса-да, Шавкат Раҳмоннинг ёзганлари ҳали асрларга татийди, машъала бўлиб ёниб туради. Унинг ёруғлиги узоқ-узоқ манзилларни ёритади. У бўйи баробар китоб ёзмади, аммо миллат дардларини қоғозга кўчира олди, миллат қалбининг таржимонига айланди.

**Фозил ФАРҲОД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг матбуот котиби**

*10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан “Улуғ халқ қудрати жўш урган замон” мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлди.*

## «УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОН...»

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсолдир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр ва ифтихор бағишлайди. Тадбирни Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид очиб, Президентимизнинг “Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига тўхталди.

Мадҳия – халқнинг ғururидир. Шу боис, у янграганда биз руҳан жўшқинликни, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда ғурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз. Тадбирда сўзга чиққанлар ана шу жиҳатларга эътибор қаратишди.

– Ўзбекистон халқини бирлаштириб турадиган тимсолларимиздан бири мадҳиямиздир, – деди Божхона институти бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Восид Эргашев. – Мадҳиямизга эҳтиром кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир. Бу эса қонунларда белгилаб берилган. Таълим даргоҳимизда ҳам ҳар кунги дарс жараёнлари мадҳиямизнинг янграши билан бошланади. Бу эса бўлажак божхоначиларнинг юртга садоқатли, ватанпарвар, етук мутахассис бўлиб етишишларида аҳамиятлидир.

Учрашувда “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси, шоирнинг турмуш ўртоғи Ҳанифа Орипова мадҳиянинг шеъри ва мусиқаси яратилиши жараёни ҳақида гапириб берди. Икки буюк ижодкор – Абдулла Орипов ва Мутал Бурҳоновнинг ижодий ҳамкорлиги ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

Шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов сўзга чиқиб, Давлат мадҳияси тўғрисидаги фикрларини баён қилди.

– Мадҳия – қалбида ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ғурур, ўзига хос фахр, энг муҳими, юртга меҳр уйғотади. Бу миллий тимсолда халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, шунингдек, зийнати, орзу-ўйи, маслак-мақсади мужассамдир, – дея таъкидлади.

Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Гавҳар Зокирова ҳамда институт курсантларининг шеърлари, куй-қўшиқлар тадбирга файз бағишлади.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан бир гуруҳ божхоначиларга бадиий китоблар совға қилинди.

**Зулайҳо АҲМАДЖОНОВА,**
**журналист**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Афв институтини қўллаш борасидаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмай келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавоб бўлади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилингани туфайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пойтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштириш имконига эга бўлди.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий таклифлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлаш ўринлидир.

Октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

**Бу – биз олиб бораётган очиқ ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир катта ютуғи, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.**

Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳити яхшиланаётгани, туризм ва экспорт салоҳияти юксалиб бораётгани, Халқаро меҳнат ташкилотининг стандарт ва қоидалари ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни йил сайин юксалмоқда.

Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз сабабли юзага келган турли тўсиқ ва муаммоларга қарамасдан, ташқи алоқаларимиз тўхтаб қолмади. Қўшни ва ҳамкор давлатлар билан сиёсий ва савдо-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқалар узлуксиз давом этмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида бу йил аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани халқимизга яхши маълум. Хусусан, пандемия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юртдошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Ёлғон ваъдаларга алданиб, мамлакатимиздан чиқиб кетган ва қуролли можаролар бўлаётган Яқин Шарқ минтақасида оғир кунларни бошидан ўтказаётган фуқароларимиз, асосан аёллар ва болаларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича инсонпарварлик тадбирлари давом эттирилмоқда.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз.**

**Ҳурматли дўстлар!**

Кейинги йилларда эришган ижобий натижаларимиз биз кўзлаётган улуғвор мақсадлар йўлидаги дастлабки қадамлар эканини яхши тушунамиз. Бу борада ҳали **олдимизда улкан вазифалар** турибди.

**Биринчидан,** Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни камайтириш зарур.

Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўладилар, деб ўйлайман.

**Иккинчидан,** тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Сўнгги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларимизни тизимли ва комплекс давом эттириш учун **2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси** устида иш олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб айтаман: бу масала биз учун ўта муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки коррупция – бу давлатимизни ич-ичидан емириб, миллий хавфсизлигимизга раҳна соладиган ғоят хатарли таҳдид ва унга қарши муросасиз кураш олиб бориш – барчамизнинг бурчимиздир.

**Учинчидан,** мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кучли эътибор қаратишимиз зарур. **“Қонун – устувор, жиноятга – жазо муқаррар”** деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.

**Тўртинчидан,** муҳтарам нуронийларимиз, ҳурматли хотин-қизларимиз, азиз ёшларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳаллаларимизда, ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

**Бешинчидан,** сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширамиз.

**Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз қатори жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.**

**Азиз ва муҳтарам ватандошлар!**

Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир.

Мана шундай эзгу ва шарафли мақсад йўлида кексаю ёш барча ватандошларимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар, янги Ўзбекистон бунёдкори бўлиб майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Сизларни Конституция куни байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, шахсий ва ижтимоий ҳаётда катта муваффақиятлар тилайман.

Хонадонларимизни, гўзал юртимизни тинчлик-осойишталик, файзу барака асло тарк этмасин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

# УЙҒОНИШ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

*Яқин ўтмишда ҳассос шоир Чўлпон куюниб ёзган “Гўзал Фарғона” шеърида шундай мисралар бор эди:*

**Гўзал Фарғона, сенга на бўлди?**
**Саҳар вақтида гулларинг сўлди?**
**Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,**
**Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?**

Бу мисраларни ўқиган киши Фарғонанинг бугунги жамолини кўрса, мустақиллигимизнинг улуғ неъматлигини тушуниб, яна бир бор шукрона айтади, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ўзида кучли рағбатни ҳис этади.

“Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” шиори остида бизнинг тарғибот гуруҳимиз Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри ва Данғара, Риштон, Бувайда, Бешариқ, Фурқат туманларининг “Катта турк”, “Оқ томир”, “Қўрғонча”, “Мустақиллик”, “Оқ олтин”, “Азизтепа” ва бошқа маҳаллаларида учрашувлар ўтказди. Қайси туманга, маҳаллага бормайлик, жадал қурилишларга гувоҳ бўлдик. Халқнинг турмуш тарзи янада яхшиланаётганидан, қўқонча лутф, фарғонача одамшавандаликдан кўнглингиз кўтарилади.

Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ёзувчи Муҳайё Тўлаганова, спорт устаси Диёр Ҳайитматов, психология фанлари доктори Камолиддин Қодиров, шоир Азиз Назирий иштирокидаги учрашувлар завқли ўтди. Бу учрашувлар пандемия балосидан сиқилган кўнгилларга нур олиб киргани аниқ.

Фурқат туманидаги мулоқотда уч марта жаҳон ва олимпия чемпиони Бектемир Меликўзиев мамлакатимизда спортчи ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида мамнуният билан айтганларидан ҳали юртимиздан кўплаб жаҳон чемпионлари чиқишига ишончимиз ортди. Давлатимиз томонидан навқирон авлод шижоатининг қўллаб–қувватланаётгани нақадар самара бераётганига гувоҳ бўлдик.

Данғара туманидаги Ахборот технологиялар марказида 12000дан зиёд китоб ва электрон вариантлари бор, бир неча тўгараклар ташкил қилинган. Пандемия шароити қоидаларига амал қилган ҳолда компьютер технологияси сирларини мароқ билан ўрганаётган ёшларни кўриб ҳавасимиз келди. Марказ ходимлари Учинчи Ренессанснинг пойдеворини қўйиш учун мактабгача тарбия, таълим тизимидаги ислоҳотлар, ёш истеъдодларга эътибор, китобхонлик ҳақида ғурурланиб гапирдилар. Риштон туманининг “Деҳқонобод” маҳалласидаги учрашувда қирқ йил ўқитувчилик қилган Турсунхўжа аканинг сўзлари барчамизни тўлқинлантирди: “Мен янгича дунёқараш деганда Ўзбекистоннинг бир чекка қишлоғида мана шундай учрашувлар бўлишини, бугунги тинч ва осойишта кунларимизга шукроналикни, бир ёқадан бош чиқариб давлатимиз раҳбари олиб бораётган ислоҳотларни амалга оширишда ҳар биримиз камарбаста бўлишдек масъулиятни ҳис қилиш деб биламан”.

Учрашувларда, аввало, халқ ҳаёти билан яқиндан танишдик, юртимизда кечаётган ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Ҳа, халқдан ўрганадиган нарса кўп. Шу маънода ҳар бир учрашув ижодкорлар учун ҳам бир сабоқ бўлади десак арзийди. Президентимиз қайта-қайта халқ ичига боришни таъкидлагани натижаси ҳар қадамда кўриниб турибди. Бу уйғониш зафарларга чорлаши шубҳасиз.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**
**аъзоси**

*Бу сарлавҳа сизга ажабтовур эскироқ туюлиши мумкин. Навоий Ҳасан Деҳлавий, Хусрав Деҳлавий, Жомий каби пиру муршиду устозларини маҳваш деб алқайди: юзлари ойдай ёруғ дегани. Шунингдек, у “Хамса”га кирган достонларини ҳам ажаб тарзда маҳваш деб таърифлайди: “Бўлди бу маҳвашлар ороста” дейди, яъни беш достон охирига етди демоқчи. Бу мумтоз таъриф менга ҳашамдор эмас, ҳаётий гўзал кўринади. Кечагина чиққан уч машҳур қарорни ўқиб, мазмунини англаб эллигинчи йиллардан бери ҳамроҳларим, асрдошларим, XX аср олтмишинчи йилларининг бадиий муҳрдорлари маҳвашлар каби кўз ўнгимда намоён бўлдилар. Уларнинг чеҳракушолари худди тўлин ойдек ёруғ ва зарра доғ йўқдир бу тўлин ёруғликда.*

# УЧ МАҲВАШ

## сиймолар жамоли







Кўксимизни баланд кўтарган, юзимизни бутун дунё олдида ёруғ қилган, шууримизга ишонч бағишлаган Конституциямиз яратилган шукуҳли кун арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир эмас, уч қарори чиқди.

Уч қават самонинг ҳарир, аммо қалин туманлари тарқади ва бирдан уч маҳвашнинг жамоли очилди. Қулоғимга Ботирнинг “Раъно...” деб самоларга ўрлаган нолишлари яна кириб келди.

Навоийнинг жонбахш тилида уларни маҳваш, сиймолари ой дейман. Навоий тилида уларни ўйласам, оҳим фалакларни куйдиради дейман. Навоий тилида уларни ёдласам, ёдим олтинлари сувдай эрийди дейман. Навоий йўсинида уларни бағримга боссам, тиғдай сатрлари, масрур овозлари, ҳаёли овозлари гул япроғига айланиб, ақл ва ҳиссиёт оламларини мўъжизавий атру ифорларга тўлдиради дейман. Албатта, улар парфюмер атрсоз эмаслар, лекин сўзлари асил атрлар-ла муаттар.

Оҳ, шу тонг безовта осмон пардалари кўтарилди.

Абдулла, Ботир, Ўткир!.. Бизга худди ўтмагандек, худди тирикдек, руҳингизга яна руҳлар қўшилгандек намоён бўлдингиз яна.

Армонли элнинг туганмас орзули фарзандлари эдингиз.

Навоий ғазалларининг самовий яли-яли оҳангларига чулғаниб кўк тоқига кўтарилганда, қалблар ғайбий мақомига ҳеч чидаёлмай не-не алплар, келбатли баҳодирлар, паҳлавонлар ҳушсиз бўлиб йиқилганларини тарих китобларидан ўқиганман. Сўз шунча кучга эгами, а, деб сўраганман. Оҳанг шундай сеҳрсоз бўлами, деб лол турганман. Ҳаяжон шундай умумсамоий қудратми деб, довдираб, эловраб қолганман.

Абдулла, Ботир, Ўткир! Булар қандай қашшанг қаҳкашон экан! Қандай тугал етиб бўлмас нафосат сир-синоат экан! Замонлар ўтиб синоатлар очилиш ўрнига синоатлар авж олмоқда! ОЛТИН ЗАНГЛАМАЙДИ! ҚУЁШ ҚОРАЙМАЙДИ-ЕЙ!

Биз буни Бальзакларда, Пушкинларда, Байронларда бўлади фақат, деб ҳис қилардик.

Абдулла чиқди — сўз айтди: у Абдуллада бор экан. Ботир Зуҳро чангчининг самовий этагидан тутиб сеҳрсоз куйладию мана у Ботирнинг чаманоро нолишларида бор экан! Ўткир бир тип-тиниқ мусаффо томчи яраттию у чўл... чўл... чўл... ложувард ҳаво экан!

1963 йилнинг кеч кузида Ўткир ўртоқлари билан Бўка даштида пахта териб юрган чоғида Дўрмондаги баҳаво айвонида сеҳргар Абдулла Қаҳҳор “Шарқ юлдузи”да чиққан нотаниш йигитчанинг “Чўл ҳавоси” деб аталган асарини ўқир, дам-бадам мутаассир бўлиб қиҳир-қиҳир тамоғини қирар, дам-бадам бўғзи қурир... охири кекса адиб чидолмайди, ўрнидан туриб кетади, кеч куз салқинида оёқлар қаттиқ увишганини ҳам сезмайди: “Ҳой, қаранг!” деб мушфиқ Кибриё Қаҳҳоровани чақиради. Илк ҳикоялари газеталарда чиққан ўсмир йигитлик чоғлари кўз ўнгига келди. Табиий ҳаяжон ичида: “Вой, опаси, ана ёзувчи!” деди. Икковлари оҳиста ичкарига кириб, адиб ёзув столига ўтирди. “Мени бирпас холи қўйинг!” деди ва ҳозиргина ўқиганлари таъсирида ичидан ёш ёзувчи билан суҳбатга киришди. “Йўқ, яхшиси, ёзаман, ёзиб юбораман. Мана шулар, Учқунлар, Ўткирлар мендан ўзиб кетишади. Отимни қамчиламасам, улардан орқада қолиб кетаман!” деб янди ўзини. Ширин алам ичида эти сесканди. Сўзлар шеър ёзгандай қуюлиб келди:

“Ўткир!

“Чўл ҳавоси”ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади. Қисса жуда соф, самимий, илиқ, табиий, роҳат қилиб ўқилади...”.

Абдулла Қаҳҳор замондошлари ўртасида машҳур эди. Сўз ёзиш, айтишга ғоятда хасис эди.. Минг карра ўйлаб сўнг мақтарди. У мана шу нотаниш ёш ёзувчига ёзган импульсив сўзларидек умри давомида ҳеч кимни мақтамаган. Ҳатто “Уфқ”дай трилогияни ёзган шогирдини алқаганда, ўзини ғоятда сипо тутган, каломи қалтирамаганди. Аммо ёш ёзувчининг илк “Чўл ҳавоси” қиссаси ҳақида ёзган сўзларида қалами худди юрагидек килкиллаб титраб тургани аниқ сезилади. Бир эмас, бир неча бир-бирини тўлдирадиган сифатлар келтиради. “Ўқиб, суюниб кетдим” деганининг ўзидаёқ олам-олам маъно ва ҳаяжон бор эди.

Ўткир бу одамшаванда сўзларни ўқиб терисига сиғмай кетди. Сизга бир адабий сирни айта қўяй. Кейин у ҳеч қачон бу қувончини тарк этмади. Бальзак домла гўзал Эвелина Ганскаядан қандай илҳомланиб яшаган бўлса, Ўткир ҳам устознинг хати ва муносабати, муҳаббатли сўзларидан шундай қувониб, илҳомланиб яшади. “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” романларини титанларча темп ва шиддат билан ёзди.

Одамга умр бўйи озиқ, қувват, илҳом берадиган шундай сеҳрсоз сўзлар бўлади. Улар баландликка сакровчи спортсменларнинг таёғига ўхшайди. Таёқ қўлга тегдими, энди тезликни ошир, зўр бер! Ўткир бу ҳикматни хўб уқиб олганди. У буюк меҳнат билан ўзини ўзи яратди. Элга хўб хизматлар қилди. Элнинг дардкашига, маҳрамига айланди.

Абдулла Қаҳҳор тимсолида у ўзини худди башорат олгандай сезди. Навоий устодлари билан ғойибона шундай суҳбатлар қилиб илҳом ва мўъжиза чўққиларига кўтарилмадими. Халқимизда ҳамма нарсада, ҳамма ҳолларда Навоийга издошлик мавжуд. Халқимизнинг яшовчанлик сири ҳам мана шунда. Ёшликнинг ҳаёт ва муҳаббат завқларига тўла гўзал қиссалари, таронадай янграган ҳикоялари, инсон тасвирида янгилик излаган жозибадор романлари, шердил мақолалари, нафис кулгига бўлиғ комедиялари ана шундай адабий башоратнинг рағбатлари, ҳайратлари, андешаварликларида дунёга келди. Ва миллионлаб ўқувчиларини эллик йил мобайнида ўз тоза тўлқинларига эргаштирди. Тўлқинлар ҳали ҳамон зарра ча сусайган эмас! Ўткирнинг байдаркаси ҳамон ҳаммадан олдинда шиддатли долғаларни дадил ёриб боради.

Абдулла Орипов ижодининг илк йилларида шундай бетимсол ҳаяжонли дамларни бошидан кўп кечирди. У қиличдай жангу суронли йигит қиличини жангга бир суғурганча охиригача уни қўлидан қўймади, охиригача унинг дамини ўтмаслаштирмади. Тошкент камонгарларидай яхши ўқёй отди, Насаф қиличбозларидай жангларда байроқдор бўлди. У уруш арафасида қиличдай, ойдай ярқироқ бола бўлиб туғилди. Ўзи қиличдай, ақлу идроки ҳам туркий боболарнинг қиличидай эди. Ориф бобонинг барча наслларида ақл-идрок қиличдай ярқирар ва асло занг босмасди. Абдулла Орипов дов сўзли йигит эди. Илк ўқиган шеърлари биланоқ одамларни ҳайратга солиб қўйди.

Ҳаяжонли дамлар!..

Улар Абдуллага қанчалар илҳомлар бағишлади.

Бир куни Ойбек домла Абдуллани ўз уйларига чорлади. Ёш шоирга шеърлар ўқиттириб эшитди. Бирдан ўзининг “Қизлар” ва “Наъматак”ни ёзган чоғларини эслади. Чўлпон, Усмон Носирнинг ўлкага, Насимага, юракка ёзган шеърларидан неча замонлар ганграб юрганини эслади. Кўз ўнгига “Турксиб”ни ўқиётган Ғафур Ғулом келди. Ёнидаги Қудрат Ҳикматнинг елкасига “Ана акаси! Ана акаси, шеър!” деб уриб-уриб қўйди. Ва ниҳоят кўксидан, тоғдай баланд кўксидан: “Эй-ҳа-ааа!” деган нидо отилиб чиқди. У ёш шоирни қучоқлаб бағрига босди, баланд кўксидан яна: “Ҳа-ҳа-ҳааа!” деган нашъали гулдурак отилди, тўлин ойдай ярақлаб жилмайди. Абдулланинг қиличдай вужуди қалтиради. Анчагача лаби титраб қалтироғини босолмади.

Буни қарангки, шу воқеадан бироз кейин Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода Абдулланинг “Юзма-юз” шеърини ўз оғзидан ўқиттириб эшитдилар. Унинг буюк келажагидан башорат бердилар. Абдулла Ориповни кейин ҳеч қачон шу башорат тарк этмади. Шу башорат у яратган озод Ўзбекистон, озод ўзбекнинг мадҳиясида доим янграб, қалбларни келажакка чорлаб туради. Зеро, бу гимн бизнинг иккинчи маънавий қуёшимиздир. Абдулла Орипов 2015 йилда ёзган ўртангувчи, ёнгувчи, алангаси кўкларга сапчигувчи шеърларидан бирини шундай тугатганди:

**Бир умр курашдик орзулар учун,**
**Ҳавойи сўз айтиб ўртама жонни.**
**Дунё карвонининг бошида бир кун**
**Кўрсам етарлидир Ўзбекистонни.**

Абдулла Орипов Ўзбекистон, ўзбек халқи билан бир жон-бир тан бўлиб кетган шоир ва инсон эди. У Ўзбекистонни ҳали юз йилларча келажакка ундаб илҳомлантириб туради.

Бизнинг яна бир суюкли қаҳрамонимиз Ботир Зокиров санъатга мислсиз муҳаббат, ёрқин талантлар гуллаб-яшнаган шароит ва муҳитда вояга етди. Томирларида неча авлод-авлод санъаткорларнинг қони оқди. У ўз иқтидори ва касб-корини ажиб бир маърифат билан тарбиялади ва шунинг учун овози қитъалар оша қитъаларга таралди. Ботир Зокиров мангу ёшлик ва мангу нафосат тимсоли эди. У миллатидан қатъий назар, барча одамлар қалбида юксак санъат оловини ёқди. У ўликни тиргизадиган ғоятда нафис тароватли овоз ва оҳанг соҳиби – ранг-баранг талантлар соҳиби эди. Унинг мусиқаси жонимизни қандай ёқса, ажиб ёшлик завқлари жўш урган ҳикоялари ҳам шундай юракларимиз торларини қитиқлар, унинг қўшиқлари оҳангларида Шарқу Ғарбнинг мафтункор манзаралари гавдаланарди. Уни рассомлик, қўшиқчилик, композиторлик илоҳлари ҳар томонлама қўллаб-қўлтиқладилар, у бу илоҳлар билан қон-қардош туташиб кетганди. Ўзбек унинг овози тўлқинларида мафтункорлик ва раънолик гўзалликларини кашф этди.

Ботир Зокиров XX асрнинг олтмишинчи йилларида Ўзбекистон эстрадасини ўзбек миллий эстрадасига айлантирди ва жаҳонга танитди. Санъат, маданият соҳаларида жуда катта ташкилотчилик фаолиятини олиб борди. Мюзикхоллар ташкил қилди, ансамбллар тузди, ўзидан кейин келаётганларга улуғ ўлмас йўллар очди. Мутал Бурҳонов, Икром Акбаров, Сайфи Жалил каби атоқли санъаткорлар билан биргаликда яратилган Ботир Зокировнинг “Мафтун бўлдим”, “Раъно”, “Ёр, кел”, “Сени эслайман”, “Газли”, “Мажнун” сингари лиро-романтик жозибали асарлари, романслари, Шарқ, Европа тилларида ижро этган сеҳрсоз қўшиқлари ҳали-ҳанузгача жозибасини йўқотмай, дунё бўйлаб янграб, гўзал иқлим яратиб келади. Уларнинг сўзлари, Навоий айтмоқчи, худди фарзанд каби жонларимизга пайванд бўлиб кетгандир. Бу пайвандликда дунёнинг чексиз маърифати намоёндир.

**Иброҳим ҒАФУРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби**

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ



# БУЮК ДАРГОҲ БЎСАҒАСИ

## *Баллада*

*Ижод мактаблари ўқувчиларига*

...Туманлар шаҳрига совуқ куз келди,
Ёмғир ёғаверди муздай ва эзгин.
Этни ўяр бўрон увиллаб елди,
Намчил хазонларни юлқилаб бетин.

Чеккароқ мавзе, бир ошён бадқовоқ,
Ғариб жуфтлик яшар арзон хонадон:
Яқинда дунёга келган чақалоқ
Ва яқинда эрдан ажралган жувон.

Тор хона муздайин ҳавога тўлар,
Иситиш тизими уйга бегона.
Жигарбандин қучиб иситмоқ бўлар
Адёлга ўранган муштипар она.

Қаранг-а, дунёнинг ишлари ажаб,
Ким нега ташнаю нега зор эди.
Мана шу вужуди қалтираб-қақшаб –
Турган аёл қалбан Ижодкор эди...

Туйқус у ўрнидан қўзғалди шошиб,
Қалин либосларга вужудин тиқди.
Аравачага сўнг боласин солиб
Тунд, ўшшайган совуқ кўчага чиқди.

Ёмғирли изғирин, туриб бўлмайди...
Эй она, жонингдан кетдингми тўйиб:
Бу аҳволда ахир юриб бўлмайди,
Чақалоқ ҳаётин хатарга қўйиб.

Алоҳа бир чироқ кўринди титраб,
Ўзига чорлабми кўз қисар ёғду.
Жувон шу тарафга йўл олди шитоб,
Қаҳвахона эди мўъжазгина бу.

Иссиқ... иссиқ ҳаво остонаданоқ,
Қайноқ қаҳва бўйи, тамаки дуди.
Бирдан "инга"лашдан тўхтар чақалоқ,
Бўшашиб кетади аёл вужуди.

Оёғи чалишиб кетётган аёл
Энг чекка столга бориб чўккан пайт
Қаршисида пайдо бўлади дарҳол
Назокат тимсоли официант.

"Хуш келибсиз..." "Раҳмат".
"Марҳамат, меню,
Хоним, ёққанини танланг бемалол".
Қўйиб берсанг кўнгил нелар истару
Аммо... имконини билади аёл.

"Менга... мумкин бўлса бир финжон қаҳва",
"О, албатта! Хоним, танловингиз соз!"
Йигит шод: камтарин буюртма ила
Бахтиёр этгандек дунёни мижоз.

Аёл аслзода оқсуяк каби
Лабини теккизиб қўяр финжонга.
Қайноққина қаҳва... беҳишт неъмати,
Ҳарорат югурар тўнғиган қонга.

Жувон кўзларини юмади беҳол,
Ёноқларда ўйнар сирли табассум.
Ё раббий, қанчалар бахтли бу аёл,
Рафторида қанча сурур тажассум.

Илҳом фариштаси балки шу лаҳза
Жувонни авайлаб бағрига олган,
Қулоқчаларига шивирлаб аста
Ёзажак сўзларин кўнглига солган.

Аёл шошқин олиб аравачадан
Бир даста қоғозни – ўз қўлёзмасин,
Давом эттиради ҳаяжон билан
Биринчи рўмоннинг дастлабки фаслин.

Сўзлару жумлалар келади оқиб,
Тилсим ҳодисотлар, о, қайнаб-тошар.
Қордай оқ қоғозга аёл ютоқиб
Барини муҳрлаб қўйишга шошар.

Гарчанд ижод асли синоат, афсун,
Жунунни англамоқ буткул беимкон –
Шундайин илоҳий лаҳзалар учун
Яшасанг арзийди дунёда, Инсон!

Жувон ёзаверди... Чақалоқ эса
Баайни тушуниб она аҳволин,
Ором олётгандай иссиқ гўшада
Ухлайверди ширин, пишиллаб, сокин.

Бешак фаришталар уни ухлатган
Ҳарир қанотларин оҳиста елпиб.
Қулоғига ажиб эртаклар айтган
Бесадо пичирлаб, сассиз тўлиқиб.

Деворда осиғлиқ соат миллари
Бир-бирин қувгандай чопиб-елади,
Тун яримлаб борар, қаҳвахонани
Бекитар вақти ҳам етиб келади.

Хизматчи йигит минг хижолат ила
Жувон қаршисида эгилади ним.

"Маъзур тутинг, хоним. Фурсат бўлди-да.
Акс ҳолда... Узр, безовта этдим".

Туйқус сесканиб бош кўтарар аёл,
Атрофга қарайди дилгир ва ҳайрон.
Қайда?.. Нима учун?.. Нега?... Бу не ҳол...
Сергак тортиб барин эслайди шу он.

"Маъзур тутинг..." Аёл шошиб қўзғалар,
Қоғозларни жойлар аравачага.
Йигит мижозини эшикка қадар
Кузатиб қўяди илтифот ила.

"Келиб туринг, хоним..." "О, ҳа, албатта..."
"Ташрифингиздан бизга шараф ва эъзоз".
Йигит шод: камтарин буюртмаси-ла
Бахтиёр этгандек дунёни мижоз...

Аёл... қаерга ҳам борарди, айтинг,
Зимистон кўнглига қайда бор ёғду?
Кейинги куни ҳам қаҳвахонанинг
Очилиш пайтига етиб келди у.

Мени пайқамади... Туйқус тушундим
Бизнинг меҳмонимиз – Асл Ижодкор.

Ижод бу шуурдан ташқари тилсим,
Ижод бу юраклар ҳис этар ҳолки,
Умрида ҳеч қурса бундай дардга ким –
Бир бора йўлиққан, тушунар балки.

Гўзаллик дояси, илоҳий неъмат —
Ижод Яратганнинг иноятидир.
Мана шу аёлга бахшида қувват
Балки Мелъпомена, ҳимоятидир...

Шукрона айтайлик қайта ва қайта –
Одми гўшамизни танлабди жувон.
Йўқса емакхона камми шаҳарда,
Барига иззатли бундайин меҳмон.

Бундайин воқелик асли учрар кам
Қодир табиатдан туҳфа истеъдод.
Бошингизга Биг-Бен қулаб тушса ҳам –
Чидаб, Ижодкорнинг кўнглин этинг шод.




Яна сертавозе официант,
Яна буюртмага бир финжон қаҳва.
Илоҳий туйғулар бағрида сармаст
Аёл ёзаверди тинмай бир лаҳза.

Яна париларнинг ҳарир қаноти
Маъсум чақалоқни эркалар суйиб.
Онанинг энг буюк, чин кашфиёти –
Бола ором олар фароғат туйиб...

Кейинги кун яна, кейин ҳам тайин,
Илҳом тинмай сеҳр лойин қоради.
Битик варақлари ортгани сайин
Фурсат мутаносиб ўтиб боради.

Аммо... мулозимлар бир хилмас, ахир,
Элчилик-да, турфа феъл-атворлар жам.
Бу ғалат машғулот оқибат-охир
Энсасин қотирди аллакимнинг ҳам.

Гарчанд дахлсиздир ҳар ким ўлчови,
Мижоз зоти мудом ҳақдир бегумон.
Бироқ шунча вақт ва хизмат тўлови
Бор-йўғи қаҳваю уям бир финжон.

Бу аҳволда қайдан келарди фойда,
Қаҳвахона ахир бизнес бор-йўғи.
Бешак, бундай мижоз кўпайган жойда
Пасайиб кетади даромад чўғи.

Маънодор йўталлар, томоқ қиришлар,
Буюртма олар чоғ виқорли малол –
Сира таъсир қилмас, у тинмай ишлар,
Ўзга дунёларга кетган-ов хаёл.

Алоҳа топилди ҳамфикрлар ҳам,
Улар бир-бирларин қўллашлар ила,
Фурсат топиб кириб бордилар илдам
Хўжайиннинг мўъжаз кабинетига.

"Шундай, шундай..." деди гуруҳ дарғаси,
"Сэр, ўзимизнимас, сизни деб фақат..."
"Токай биз хайрия муассасаси –
Ўрнидамиз... Қарор сиздандир, албат..."

Истараси иссиқ, камтар, мулойим,
Нигоҳлари нурли кекса жентельмен,
Бармоқларда тараб кумуш сочларин
Майин кулимсираб қўйди: "Шундай денг...

Ойна ёнидаги, чекка столда
Кундалик мижозми... Ҳа, хабарим бор.
Бу борада сизга илтимосим ва,
Изн этингиз, қатъий бир талабим бор.

Фунт стерлинг зарур, аммо биз, ҳайҳот,
Ҳаммасини фақат пулда ўлчасак,
Пул қолару Буюк Ижод, Кашфиёт
Лета дарёсига ғарқ бўлар бешак.

Мижозни кузатдим ташлаб кўз қирим,
Ёнидан атайин ўтиб неча бор.

Тушунинг, қаламкаш қалби нозикроқ,
Бир сўз ё қарашдан вайрон бўлади.
Жиноят бўлмайди бундан ортиқроқ,
Чунки унда Илҳом, Ижод ўлади.

Хоним бизга қадам ранжида этган
Эрта ҳам, индин ҳам, бир йилдан сўнг ҳам,
Энг олий мақомда уни қаршиланг,
Унутманг: бу ташриф биз учун байрам.

Хуллас, сўзлайверсам фикр мўл, лекин
Хоҳишингиз йўқдир нутқ эшитишга.
Гаплашиб олдик-ку. Энди-чи, секин,
Хонимлар, жаноблар, борингиз ишга".

Андак изза бўлиб қайтишар экан
Йўлакда ким биров айлади хитоб:
"Барини тушуниб етдим дафъатан,
Ахир, хўжайиннинг хоббиси китоб".

Ҳамма эслаб қолди, бошлиқ ҳар маҳал
Китоб деса ўзин томдан ташлайди.
Тонг саҳарда келиб газета, журнал –
Ўқиб бўлгандан сўнг ишни бошлайди.

Уйини-ку, дерлар, зўр кутубхона
Оёқ босишга жой топилмас экан.
Гарчанд милён фунтга баҳоланса-да,
Бу хазина минбаъд сотилмас экан...

Ҳар бир мижоз юксак ҳурматга ноил,
Қаҳвахонага бу қонун бегумон.
Мазкур гурунгдан сўнг ижодга мойил
Аёлни эъзозлаш юксалди чунон.

Ёнидан ўтарлар оёқ учида,
Ўзаро пичирлаб гаплашишади.
Кимдир шовқин қилса, бесас, ўтинч-ла
Лабга бармоғини тез босишади.

Фақат аёл кўрмай бунинг барини
Ўзининг тўлғоғи билан банд эди.
Вужуди шу ерда ва лекин руҳи
Ўзга оламларда орзуманд эди.

Кунлар ўтаверди шундай сермазмун,
Кунлар ўтаверди шундай сермаҳсул.
Гўё туғилажак мўъжиза учун
Қаҳвахонанинг бор ходими масъул.

...Ниҳоят, ниҳоят юз берди бу ҳол,
Битикка қўйилди энг сўнгги нуқта.
Осмон, кўз ёшларинг йиғиштириб ол!
Замин, айланишдан бир нафас тўхта!

Аёл қўлёзмадан кўз узиб илкис
Атрофга аланглар эсанкираб, лол.
Қайда? Нима учун?... Англолмас, туйқус
Самодан қулаган фаришта мисол.

Фарзанди ухларди аравачада,
Атрофда ҳаётдан мамнун оломон.

Енгил кулги, шовур, таниш мусиқа,
Столида эса бўшаган финжон.

Шунда ҳаммасини эслайди аёл,
Кўз олдида барин яққол кўради.
Хижолат аралаш қўзғалиб, дарҳол
Официантдан ҳисоб сўради.

"Келиб туринг, хоним..." "О, ҳа, албатта..."
"Ташрифингиздан бизга шараф ва эъзоз".
Йигит шод: камтарин буюртмаси-ла
Бахтиёр этгандек дунёни мижоз...

Кейин нима бўлган? Кўпларга аён,
Жувон сарфлаганча сўнгги чақасин
Ишончга чоғишган ҳаяжон билан
Нашриётга йўллар ўз қўлёзмасин.

Узоқ куттирмайди жавоби қурғур,
Мактубда инглизча назокат, одоб:
"О, бизни танлабсиз, минг бор ташаккур,
Таассуфки, асар салгина бўштоб..."

Аёл маҳзун тортар, аммо кўнглида
Қандайдир бир туйғу уни қўллайди,
Озгина қарз... Некбин умидлар ила
Кейинги манзилга дарров йўллайди.

Бу ҳол такрорланди... нақ ўн бир марта,
Жавоблар бир тарзда келарди нуқул.
Фақат бири қўшган: "Хоним, агарда
Бошқа иш қилсангиз бўларди мақбул..."

Бари тамом бўлди, умид чечаги
Баҳор нурин кўрмай бериб бўлди жон.
Алвидо, кўнгилнинг содда эртаги,
Алвидо, саробга соврилган имкон.

Аммо... Ижодкорни тушуниш қийин,
Онгу шуурини бошқарарми қалб?
Балки юрак билан ҳис этмоқ мумкин,
Аммо ақл билан бўлмагай англаб.

Гарчанд таслим бўлмоқ вақти келди-ку,
Мужда кутавериб чарчаган ҳар гал,
Сўнгги заиф илинж қутқусида у
Ўн иккинчи марта қилди таваккал.

Узоқ куттирмайди жавоби қурғур,
Мактубда инглизча назокат, одоб:
"О, бизни танлабсиз, минг бор ташаккур,
Таассуфки, асар салгина бўштоб..."

Аёл кўзларини юмар инграниб,
Қонсиз бармоқларини бурдалар нолон.
Наҳот шунча вақти ўтди алданиб,
Наҳот ёзмоқ энди мангулик армон.

Қоғозга томади аччиқ кўзёши,
Чаплашиб кетади ёзувлар, не ҳол...
Алоҳа аёлнинг етиб бардоши
Мактубнинг охирин ўқийди беҳол.

"Хоним, биз тажриба учуноқ майли
Чоп этиб кўрамиз уч минг ададда.
Зарар кўрармиз бу китоб туфайли...
Очиғи, шундайин эҳтимол катта.

Бозор-да: талабга яраша таклиф,
Рақобат майдони тиғиздан-тиғиз.
Ёзув-чизувларни балки тўхтатиб,
Бошқа, даромадли юмуш топарсиз..."

Аёл ўқ егандай қалқар ногаҳон,
Сўнгги япроқдайин вужуди титрар.
Қорайиб кетади баногоҳ осмон,
Омонат шуълалар йўқликка йитар.

Муздай полга берух қулайди аёл,
Ўртанган юракдан сизади ингроқ...
Волида аҳволин сезгани мисол
Чинқириб юборар ногоҳ чақалоқ.

Аёл сергак тортар, қайтади ҳуши,
Дилбанди озурда, турмоқ керак, бас.
Ахир бу дунёнинг жами ташвиши
Гўдак тўккан томчи ёшга арзимас.

Жувон фарзандини қучади маҳкам,
Қайноқ кўз ёшлари шашқатор оқар.
Мактубга илова шартномани ҳам
Кўз ёш-ла имзолаб, ортга юборар.

Кейин нима бўлган... Кўпларга аён.
Бунчалар ширинсан, о, аччиқ ҳаёт!
Сенда мўъжизалар мўлдир бегумон,
Сенда машаққатлар ажри мукофот.

Уч минг адад китоб саноқли кунда
Тарқалиб кетгач сўнг қўлма-қўл бўлиб,
У ҳаваскор бўлиб ётдию тунда,
Эрталаб уйғонди юлдузга дўниб.

Бозор-да: талабга яраша таклиф...
Лаҳза сайин сўров ортгани учун
Босмахона бошқа ишин қантариб
Фақат шу китобни босар туну кун.

Кунлар арифметик кўпайтмага мос
Ўтиб борган сари маромда, сокин.
Талаб ҳандасавий кўпайтмага хос
Ошиб-тошар эди билмайин тизгин.

Турли рўйхатларнинг бошида китоб,
Эътирофлар юксак: "Шаксиз, бестселлер!".
Шундай қадрланди илҳомли ижод,
Шундай қадрланди ҳалол манглай тер.

Китоб чет тилларга тез ўгирилар,
Дунё ҳайратлардан лолу адодир.
"О, қанчалар ажиб фусункор асар!..
Сирли афсунлари оҳанрабодир!.."

Асар давомини олмоққа шошган
Турнақатор сафда ноширлар илҳақ.
Адад энди юз минг, милёндан ошган,
Қалам ҳақи шунга муносиб барҳақ.

Эсанкиратмади аёлни бу ҳол,
Ҳаволантирмади заррача ҳам, йўқ.
Фақат ишлайверди яйраб бемалол,
Илло шароитдан энди кўнгил тўқ.

Чанқоқ ўқувчига у туҳфа этмиш
Бестселлер кетидан янги бестселлер,
Ногоҳ бўлиб қолди ҳунари ёзиш –
Аёллар ичида илк миллиардер!

Бу яхши, албатта, жуда ҳам аъло,
Азалдан аён-ку, бўш қоп тик турмас.
Бироқ ижодкордан сўз кетар асно
Моддият биринчи ўринда юрмас.

Гарчанд илкидаги бор-йўқ имкони
Инсоний ҳисларга қасида фақат,
Ҳақиқий Ижодкор мамлакат шони,
Миллат ғурурига эврилар, албат.

Улкан давлатларнинг етакчилари
Йўллари тушганда Англия тараф,
Адиба билан бир учрашмоқликни
Билдилар ўзлари учун деб шараф!

Аёл эса ишлар, ёзар тинмайин,
Илоҳий онлардан топар ҳаловат.
Ақл бовар қилмас улкан маблағин
Хайру саховатга йўллайди фақат.

Ўшал қаҳвахона... музей, кўп машҳур,
Қишу ёз навбатнинг кети узилмас.
Адиба[1] ишлаган курсида бир қур
Ўтирмоқ барчага эзгу ҳой-ҳавас...

* * *

Азиз фарзандларим, ўғил-қизларим,
Кўзлари чақнаган полапончалар.
Сизларга ҳавас-ла боққаним сайин,
Қалбим ҳаяжонга тўлар қанчалар.

Сўйлаганим асли аёндир сизга,
Ҳар нечук, Кулойим чўпчаги эмас.
Ул машҳур адиба замондош бизга,
Мана шу ҳаводан олади нафас.

Фақат олис юртга термулиб баъзан
Энтикиб-тўлиқиб қўйганингиз дам,
Эсланг ўзимизнинг яқин мозийдан
Буюк сабоқ бўлар ҳикматларни ҳам.

Эсланг, эл-улусни ҳайратга солиб, –
Бундай ҳол учрамас ҳеч даҳр аро –
Ҳазрат Навоийни отга мингазиб,
Ўзи жиловбардор бўлган Бойқаро.

Во дариғ, дунёнинг ишлари ажаб
Шоир суворий-у, подшо пиёда!
Сўзни бундан ортиқ бўлмагай алқаб,
Эъзозлаб бўлмағай бундан зиёда!

Томчида акс этар қуёш бегумон,
Инсоннинг Ижодга тенгсиз таъсири
Шу икки мисолда бўлар намоён,
Бири машриқдаю мағрибда бири...

Азиз дилбандларим, сизларга боқиб
Дилимда сурур жўш урган маҳали,
Шивирлаб қўяман кўксим гупириб:
"Бу боғлар – бир боғлар бўлади ҳали..."[2]

Сизлар озчиликсиз, шунда ҳам балки
Ҳаммангиз бўлмассиз адиб ё шоир.
Бироқ мактаб берган сабоқ туфайли
Қалбга уруғ тушган ижодга доир.

Магар имконингиз кетса юксалиб,
Дилда уриб турсин эзгу ният бонг:
Асл ижодкорни отга чиқариб
Жиловбардор бўлиб қолсангиз не тонг.

Ахир асли шу-да кўнгил матлаби,
Дурдона китоблар гадоси бўлинг.
Ўшал қаҳвахона эгаси каби
Мудом Адабиёт шайдоси бўлинг...

Шунда натижа юз кўрсатиб, яна
Оламга таралар ўзбекнинг оти.
Дунё Сўз мулкида қилар тантана
Буюк Ўзбекистон Адабиёти.

---

[1] Адиба – Жоан Кэтлин Роулинг, британиялик ёзувчи, Гарри Потер ҳақидаги романлар муаллифи.

[2] Зулфиянинг «Бу оқшом» шеъридан.

**БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ**

*Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги*

*Газетамизнинг ўтган 47-сонида филология фанлари доктори М.Абдулхайровнинг мазкур ғазал шарҳига бағишланган “Сабр тоғи бирла...” номли мақоласи эълон қилинган эди. Ушбу сонда О.Давлатовнинг шу ғазалга оид яна бир шарҳини беришдан мақсад, аввало, олимларимизнинг бир ғазал ҳақидаги турлича фикрлари билан сизларни таништириш бўлса, иккинчидан, Навоий ижодининг янада теран маъноларини очишдан иборатдир.*

# «ЖАҲДИМ АНДОҚДУР...»

## *«Ғаройиб ус-сиғар», 73-ғазал*



**Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингға бот,**
**Ким қабул этман оғир деб чиқса эгнимдин қанот.**

**Сабр тоғи бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,**
**Ташла ул юкни етишмак истасанг васлиға бот.**

**Шаҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ,**
**Ким анинг феъли шитоб эрмиш, мунунг расми сабот.**

**Кўп Масиҳодин дам урма, қил ҳаётингни туфайл**
**Ангаким, топмиш Масиҳ анинг туфайлидин ҳаёт.**

**Меҳр юз кўрмай ўчашди пардадин чиққач юзунг,**
**Олғали қўймас сариғ юзин қора ердин уёт.**

**Чун юди кўзлар саводин ашк, ёрут юз очиб,**
**Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.**

**Эй Навоий, хоки пойи васфида ширин сўзунг**
**Бор биайниҳ тўтиё ичинда солғандек набот.**

Бахти кулиб, умрида бир марта висолга етишган ошиқнинг ёрнинг дийдори ва висолига эришиш иштиёқи олдингидан ҳам кучлироқ бўлиши образли тилда ифодаланган ушбу ғазалда. Биринчи висол ошиқнинг руҳиятига шунчалик кучли таъсир қилганки, унинг жисми ҳам руҳи покланиб, фаришталардек қанот чиқариш имконига эга бўлиб турибди. Аммо унинг жидду жаҳди ҳам иштиёқига мос равишда кучайгани сабабли фаришталардек фақат тасбеҳ ва талбия билан умр кечиришни истамайди:

**Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингға бот,**
**Ким қабул этман оғир деб чиқса эгнимдин қанот.**

Ишқнинг азоб ва қийноқларига ягона даво сифатида дониш аҳли сабрни тавсия қилишади. Навоийнинг ўзи ҳам “Маҳбуб ул-қулуб”да сабрнинг фойдалари ҳақида фикр юритиб, “Ишқ аҳли зикридин мутағаййир (хафа, ранжиган) ва лекин ғояти – васлға умидворлиқ, ҳажр эли ёдидин мутанаффир (нафратланган) ва лекин ниҳояти (охири) – иттисолға комгорлик (етишмакдан хурсанд бўлиш)”, дея қайд қилади. Аммо ғазалда сабр қилиш – ошиққа ёт амал эканини таъкидлаб, муродга етишиш учун кутишдан кўра интилиш ва ҳаракат қилиш тезроқ кўзланган матлабга етказади, деган фикрни илгари суради. Бу билан шоир ошиқликнинг табиатидаги беқарорлик ва ақл эгалари назарида енгилтаклик кўринадиган саъй-ҳаракатлар маҳбубага хуш келишини таъкидлайди:

**Сабр тоғи бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,**
**Ташла ул юкни етишмак истасанг васлиға бот.**

Учинчи ва тўртинчи байтлардаги “Буроқ” ва “Масиҳ” сўзлари шоир васф этган ёр – Аллоҳ таоло “Ҳабибим” дея эъзозлаган Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) экани равшанлашади. Шоир “Буроқ” сўзини келтириш орқали Меърож мўъжизаси талмиҳ қилинган бўлса, кейинги байтда Имом Термизий ривоят қилган ҳадиснинг мазмунига ишора бор. “Сунани Термизий”да Аббос ибн Абдулмуталлибдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, бир куни саҳобалар пайғамбарни кутиб ўтирардилар. У зот чиқиб, саҳобаларга яқинлашганларида, улар Иброҳим Халилуллоҳ, Мусо Нажиюллоҳ, Исо Руҳуллоҳ, Одам Сафияллоҳ каби пайғамбарларни эслашиб, сифатлаётганларини эшитиб қоладилар. Салом бериб, улар суҳбатига қўшилган пайғамбар уларнинг сўзларини тасдиқлаб, илова қиладилар: “Огоҳ бўлингким, мен Аллоҳнинг Ҳабибиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни ҳамд байроғини кўтарувчи ҳамда биринчи шафоат сўровчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен жаннат ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Бас, Аллоҳ уни (айнан) мен учун очар ҳамда мени ва менинг умматимнинг фақирларини унга киргизар. Мен аввалгилар ва охиргиларнинг энг мукаррамиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ”. Бошқа бир қудсий ҳадисда Аллоҳ таолонинг “Эй Муҳаммад, агар сен бўлмаганингда бу оламни яратмас эдим” деб марҳамат қилгани охирзамон пайғамбари Борлиқнинг пайдо бўлишига асосий сабабчи эканини билдиради. Навоий ушбу ҳадисларга асосланиб, ўликларга жон берувчи мўъжиза соҳиби бўлган Исо Масиҳнинг ўзи Муҳаммад Мустафо туфайли ва шарофати билан ҳаёт топганини нозик ишоралар билан билдириб ўтган:

**Шаҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ,**
**Ким анинг феъли шитоб эрмиш, мунунг расми сабот.**

**Кўп Масиҳодин дам урма, қил ҳаётингни туфайл**
**Ангаким, топмиш Масиҳ анинг туфайлидин ҳаёт.**

Бешинчи байтда оламга нур ва зиё бағишловчи қуёш аслида ёрнинг порлоқ юзини кўргач, хижолатан сарғайган юзини ердан ололмай қолган деган муболағали тасвир орқали Аллоҳнинг Ҳабиби юзидан балқиб турган имон нури васф этилган бўлса, ундан кейинги байтда ҳусни таълил санъатининг гўзал намунасига дуч келамиз: кўп йиғлаганидан қорачиғи ювилиб, кўзлари оқариб қолган ошиқ мутлақ ҳусн мазҳарига мурожаат қилган ҳолда жамолини кўрсатиш орқали кўзига нур бағишлашни истайди ва бунга бадавлат кишилар молидан арзимаган қисмини закот қилиб бериши фарз эканини далил келтиради. Ушбу шоирона тасвир шунчаки лутф бўлмай, балки чуқур фалсафий маъноларни ҳам ўзида жам этган. Гап шундаки, кўз қорачиғи ҳам, комил инсон ҳам, асл моҳият ҳам, олтин ҳам араб тилида “айн” сўзи билан ифода этилади. Ушбу маъноларни байтга татбиқ этсак, қуйидаги фикр ҳосил бўлади: “Эй комилликнинг олий намунаси бўлган зот, сенинг шавқингда тўкилган кўз ёшларим туфайли зоҳир оламининг турфа алдов ва найрангларини кўролмайдиган бўлдим, энди мурувват қилиб, моҳиятни кўра олиш имконини берувчи басират кўзимни очгин. Негаки, бадавлат одамлар мискинларга ўз бойлигидан қирқдан бир ҳиссасини закот қилиб бериш фарздир”. Авлиёлик – пайғамбарликнинг қирқдан бир ҳиссасига тўғри келади, деган ақидани ҳам ҳисобга олсак, закот фарзи билан фикрни далиллаштириш шунчаки шоирона ўхшатиш эмаслиги янада равшанлашади:

**Чун юди кўзлар саводин ашк, ёрут юз очиб,**
**Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.**

Мақтаъ байтида Навоий ёрнинг хоки пойининг васфида айтган байтлари тўтиёга солинган новвотга ўхшатиб, ифтихор этади. Тўтиёни кўзга ёруғлик бағишловчи шифобахш суртма эканини биламиз. Машҳур араб олими Али ибн Исо(милодий 11-аср)нинг “Тазкират ул-каҳҳолин” (Кўз шифокорлари тазкираси)да берилишича, тўтиёнинг уч тури мавжуддир: маҳмудий (қуритилган) тўтиё, ҳажарий (қаттиқ) тўтиё, коний (асил) тўтиё. Булардан энг шифобахш тури коний тўтиё бўлиб, унга туйилган новвотни қўшиб кўзга суртилса, қонталаш бўлган кўз томирчалари ҳамда кўп ёш тўкилиши каби касалликларга даво бўларкан. Мазкур тиббий кўрсатмани шеърият тилига кўчириб, шоир ҳижронда қонли ёш тўкадиган ошиқларнинг дардига ёрнинг васлига муштоқликнинг ёрқин ифодаси бўлган ғазаллари бир нав таскин ва тасалли эканидан қаноат ҳиссини туйиб, шоир ёзади:

**Эй Навоий, хоки пойи васфида ширин сўзунг**
**Бор биайниҳ тўтиё ичинда солғандек набот.**

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

---

**Эшқобил ШУКУР**

# ҲАЁТ АДАБИЁТИ ва АДАБИЁТ ҲАЁТИ

### АЁЛ СЕҲРИ

Қадимги хитойликларнинг “Дао ва Дэ” китобида шундай бир битик бор. Будда роҳиби кўп йиллар хилватда таркидунё қилиб, фақат тоат-ибодат билан машғул бўлади. У кундан-кун руҳан кучайиб, сирлар оламига кириб боради. Ниҳоят, кун келиб роҳиб ўзида қушдай уча олишга, ўтирган жойида осмонга кўтарилишга рағбат сезади ва шунга тайёр бўлади. Бу унинг кўп йиллар давомидаги орзуси, мақсади эди. Роҳиб шу даражага етиш учун кўп қон ютган, кўп тер тўккан.

Роҳибнинг кулбаси дарё бўйидаги ўрмонда эди. У аста-секин осмонга кўтарила бошлайди. Аввал кулбадан баландлайди, сўнг дарахтлардан. У пастда кумушдай ярқираб ётган дарёни кузатади ва дарё бўйида кир юваётган аёлларга кўзи тушади. Бир аёл роҳибнинг диққатини тортади. Сўнг лозими тиззасигача туриб қўйилган аёлнинг чайқалаётган кумуш сув устидаги буғдойранг болдирларини кўриб қолади. Роҳибнинг кўнгли бузилади ва ерга қайтиб тушади.

Лев Толстойнинг “Сергий ота” қиссасида енгилтак бир ойимча таркидунё қилиб, хилватга кетган авлиёни йўлдан уриш учун дугоналари билан баҳс бойлайди ва у қишнинг қорга бурканган бир кечасида Сергий отанинг ўрмондаги кулбасига (адашиб қолганини баҳона қилиб) кириб боради. У тоат-ибодатдаги Сергий отанинг одамгарчилигига шайтонгарчилик билан жавоб беради. Нима қилсин, авлиё даражасига етган бўлса-да, уям одам, биологик мавжудот. Нозу истиғно, макру карашма Сергий отанинг кўнглини бузади... Шунда у ўзини зўрға босиб, ҳаросот ва майл жодусидан қочиб ташқарига чиқади ва болта билан бир бармоғини кесиб ташлайди.

Лев Николаевичдан минг йил аввал “вақтнинг имоми” Шайх Зуннун Мисрий бир воқеани баён қилган. Унга кўра, бир обид савмаъада, яъни хилватдаги ҳужрада кечаю кундуз тинимсиз ибодат билан машғул эди. Бир куни тоат-ибодатдан бир неча дақиқага бўшаган обид ҳужра туйнугидан ташқарига қарайди ва гўзал бир нозанинга кўзи тушади. Шу лаҳзадаёқ ақлу ҳуши учади. Обид шахт билан ўрнидан турадию шу аёлни яна бир бор кўриш илинжида ташқарига интилади. Обиднинг бир оёғи савмаъа эшигини ҳатлаб ўтганда, бирдан унинг ҳуши жойига келади ва ортига — ҳужрага қайтади. Ахир, шунча тоат, шунча ибодат, шунча риёзат нечун? Шунинг учунмиди? Обид ўша куни ҳужрадан изнсиз ташқарига чиққан оёғини кесиб ташлайди. “Шайхулислом дебдурки: “Ниҳовандий дедиким: “Аларки ҳиммат аҳлидурлар. Агар сўл иликлари аларни андин машғул қилса, ўнг иликлари била ул сўл иликни кесарлар” (“Насойим ул-муҳаббат”).

### БИР МИСРАНИНГ НАРХИ

Машҳур Рюноске Акутагаванинг “Инсоннинг ҳаёти Бодлернинг бир сатрига арзимайди” деган кескин айтилган гапи бор.

Битта сатр ё бир байтни тинглай туриб, жони танидан чиқиб кетганлар бор.

Битта сатрни ҳаётига алмаштирганлар бор.

Сўз Одамдан кўра кучли.

“Насойим ул-муҳаббат”да Навоий айтганлар:

“Абулқосим Сойиҳ қавм била меҳмонлиғда эрдилар, гўянда ўқидиким, “Сен яшаётган ҳар бир уйда чироққа эҳтиёж йўқ. Одамлар ҳужжатлари билан келадиган кунда сенинг ёруғ юзинг бизнинг ҳужжатимиз...”. Абулқосим Сойиҳ ўнг иликин кўтарди ва неча фарёд урди ва йиқилди ва оламдин ўтти”.

Шайхулислом дебтурки: “Нишобурда ҳодиса эрдики, халойиқ шаҳардан чиқиб эрдилар. Мен бир масжидда эрдим. Ва ул масжид гўшасида яна бир дарвеш бор эрди. Гўянда кирди, ул дарвеш анга дедиким, бир нима ўқи! Ул ўқудиким: “Мен ўзим ва муҳаббат ўртасида бир маърифатни топдимки, у абадий ниҳоя топмайди ёки абадият ниҳоя топади. Сизларнинг муҳаббатингиз ҳеч ким сезмайдиган фалокатлар орасида қолганида, мен бу дунёдин чиқиб кетаман.” Ул дарвеш йиқилиб, ики намоз орасиға талпинур эрди то оламдин ўтти”.

### ФИКРСИЗЛИКДАГИ ЗЕРИКИШ

Шодмонқул Салом бир мақоласида шундай ёзибди: “Ёлғиз кишининг, умуман, бугунги кун одамининг энг катта фожеаси зерикишдир. Зерикаётган одамдан кўра хавфли мавжудот йўқ”. Бу фикр раҳматли Абдулла Ориповнинг бир гапини эсимга солди. Чамаси, ўтган асрнинг 90-йиллари эди. Абдулла ака Италияга бориб келди. Сафар таассуротларини эшитайлик, деб уйига зиёратга бордик. Абдулла ака гурунгида: “Римга нега келдинг, тунислик бола?” деган шеърини ўқиб бериб, шеърнинг яралиши ҳақида сўзлади. Воқеа шундай эди: бир тунислик саргардон ўсмир бола иш излаб Римга келиб қолади. Бир кечаси римлик бой-бадавлат одамларнинг олифта болалари овора юрган шу мусофир болани кўчада тутиб оладилар ва устига бензин қуйиб ёқиб юборадилар. Тунислик бола шу жойнинг ўзида куйиб ўлади.

Абдулла ака ҳодисанинг охирини хавотир ва қайғу билан айтгани ҳамон эсимда: “Биласизларми, кейин нима бўлган, – деди-да у бир муддат ўйга толди, кўзларида мунг қалқди. – Кейин тергов пайтида олифта безорилардан: “Нега бундай қилдинглар?” деб сўрашганида, улар: “Зерикиб кетдик. Зериканимиздан шундай қилдик. Томоша учун”, деб жавоб беришган.

Шодмонқул тўғри ёзибди, зерикаётган одамдан кўра хавфлироқ мавжудот йўқ, айниқса, у фикрламайдиган бўлса.

### БАЧАДОН МЎЪЖИЗАСИ

Кеча Интернетда коронавирусга чалинган ҳомиладор аёлнинг боласи соғлом туғилгани ҳақида хабар тарқалди. Ақл бовар қилмайдиган ҳодиса. Бир бармоқнинг учи тегиб кетса юқиб қоладиган касаллик шу касал билан оғриган вужуд ичидаги ҳомилага таъсир қилмаса. Бундай ҳолатни ОИТСга чалинган аёлларда ҳам учратиш мумкин. Бунгаям ақл бовар қилмайди. Ҳомила барча озуқани – қонни ҳам, жонни ҳам, ҳамма-ҳаммасини ўзи яшаётган шу вужуддан олсаю, лекин унинг касалидан ҳимояланган бўлса. Бачадон Худонинг бир мўъжизаси эканлигини шундан ҳам билса бўлади.

Имом Бухорий Яратган билан бачадон, яъни раҳм ўртасида ғаройиб келишув ҳақидаги ҳадисни келтиради: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам бундай дедилар: Оллоҳ таоло одамни яратиб бўлгач, раҳм (бачадон) унга: “Қон-қариндошлик алоқаларининг узилмоғидан асрамоғингни тилайдирганнинг жойи ҳали шу бўлдими?” – деди. Оллоҳ таоло: “Ҳа, шундай! Аммо агар мен қон-қариндошликни мустаҳкамлаганларни ярлақасаму уни узганлардан эрса раҳматимни дариғ тутсам, рози бўлғаймисан?” – деди. Раҳм: “Ҳа, ё раббий, розидурмен!” – деди. Оллоҳ таоло: “Сени деб шундай қилғумдур!” – деди.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: “Раҳм (сўзи) раҳмон (сўзи) билан узвий боғлиқдир” деганлар”.

Инсон вужудида шунча сир яширинганки, одам неча минг йиллардан бери бу сирлар қошида лол ва яна неча минг йиллар лол бўлиб қолаверади. Рабиндранат Тҳокур айтганидай: “Мен шундай бир мўъжизаманки, ҳар куни бу мўъжизага қараб ҳайратланиб ўтираман.”

### КАРАНТИН

Мамлакатда карантин эълон қилингач, уч нарса хаёлимдан ўтди.

Биринчиси, қадимги Будда донишмандларининг: “Уйдан чиқмай туриб, дунёни англаш мумкин” деган гапи.

Иккинчиси, Габриэль Маркес “Юз йил ёлғизликда” романини олти ой битта хонадан чиқмай ёзгани. Адиб бу пайтда бошқа хонага ҳам чиқмайди. Ҳатто хотини Мерседес унинг ҳожати учун тувакни ҳам шу хонага киритиб беради. Хуллас, “Инсон нимаики эзгу нарсани яратган бўлса, бу уни ёлғизликда яратган” дейилганидай, у мўъжизани ёлғизликда яратади.

Учинчиси, Навоий Абулҳасан ас-Субайҳий ҳақида ёзган: “...анинг саройида бир уй бор эрди, ерда қозған. Ўтуз йил андин чиқмади”. Навоий яна бир олим ҳақида айтади: “...рамазон ойи бўлғач, Абу Убайд бир уйга кирар эрди ва буюрур эрдиким, эшигин суваб беркитурлар эрди ва бир тешук қўярлар эрди. Ва ҳар кеча бир тах ўтмак (нон) ул тешукдин солурлар эрди. Ийд бўлғачким, эшикни очарлар эрди, ўтуз ўтмак (нон) уйнинг гўшасида эрдиким, бир ойда не таом еб эрди ва не сув ичиб эрди. Ва ўтуз кеча-кундуз бир таҳорат била сув ичиб эрди”.

### МЎЪЖИЗАНИНГ ҚАДРИ

Беш-олти яшарлик пайтларимда қишлоғимизда фақат Қобил муаллимникида телевизор бўлганини яхши эслайман. Жуда ибтидоий, гоҳ кўрсатиб, гоҳ кўрсатмай қоладиган, зўрға оқни қорадан ажратиб турадиган кичик экранли ойнаи жаҳон! Шом билан хуфтон оралиғида овулнинг ярми шу ҳовлига тўпланарди. Қирқ-эллик чоғли каттаю кичик тунги соат ўн бирларгача, то Андрей бобонинг движоги ўчгунга қадар мўъжиза – кутига термулиб ўтирарди. Баъзан Қобил муаллимнинг ҳовлисига одам тўлиб кетиб, ўтиришга ҳам жой топилмай қоларди.

Шунгаям эллик беш йилча вақт ўтибди.

Кеча асрдан сўнг кўча айлангани чиқаётиб, қўшнимиз Ҳосил акани учратиб қолдим. Ҳосил ака ёши олтмишдан ошган, бола-чақадан тинчиган, ўзига тўқ одам. Ўғилларини уйли-жойли қилган, тинчроқ бўлади деб хотини билан иккови яшайди. Унинг ёнида бир йигит катта қутида янги телевизор кўтариб келаётган экан. Саломлашиб сўрашганимиздан сўнг ундан, янги телевизор олдингизми, деб сўрадим. Ҳосил ака кулиб жавоб берди:

— Биласиз, мен футбол жиннисиман, хотиним сериал жинниси. Икковимиз бир телевизорни талашиб қолаяпмиз. Шунга янгангизга деб телевизор олиб келаяпман. Мана энди истаганича сериалини кўраверсин. Икковимизга икки телевизор.

Шунда менинг кўз ўнгимдан олис болаликда, овлоқ овулда, кечки салқинда Қобил муаллимнинг ҳовлисида ғира-шира кўрсатаётган кичик бир телевизорга термулиб ўтирган бир тўп одамлар ўтди. Ҳозирги энг замонавий телевизорлардан кўра ўша қути менга кўп қадрли туюлди.

### КАТТА АДАБИЁТ ВА КИЧИК УНСУР

Чингиз Айтматов “Юзма-юз” қиссасида қочоқ Исмоилнинг онаси Бексаат энани элдошлари қандай кўмишлари тасвирида шундай жойи бор: “Сўнг яна тўда ҳаракатга келиб қолди, энди майитни қабр ичига туширдилар-да, шоша-пиша гўрга тупроқ тортдилар”.

Нега шоша-пиша тупроқ тортадилар? Ахир, ҳамма шу маросим учун келган бўлса?..

Абдулла Ориповнинг бир шеърида шундай сатрлар бор:

Кўчангдан лопиллаб ўтганда тобут,
Сен уни бир бора кузатганмисан?

Нега тобут лопиллаб ўтади? Нима учун уни кузатиш керак? Гап шундаки, тобутни кўтариб келаётганлар иложи борича тез ва шошилинч ҳаракат қилишлари керак. Шунинг учун шошилиб кетаётганлар елкасидаги тобут лопиллаб ўтаётгандай кўринади. “Лопиллаб” сўзи “лоп этиб” сўзидан олинган бўлиб, бирдан, бир онда бўладиган ҳаракатни билдиради. Олов лоп этиб ёнади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “лопиллаб” сўзига “ён-верига чайқалмоқ”, “баланд-пастга чайқалмоқ”, “лапангламоқ” маъноларида изоҳ берилган. Бу изоҳда ҳам шошилиш, тез ҳаракат қилиш мазмуни бор.

Мақсадга ўтсак. Бизда азалдан марҳумни тобутда олиб кетишаётганда ҳам, кўмишаётганда ҳам шошилиш зарур бўлган ва бу нарса удум даражасига етган. Динимизда ҳам фақат бешта нарсага шошилиш керак, бошқа вазиятлардаги шошилиш макруҳ дейилган. Бу бешта ҳолат қуйидагилар:

1. Мусофирнинг қорнини тўйдиришга шошилиш; (Абдухолиқ Ғиждувоний фиқҳга оид мулоҳазаларида қози қорни оч пайтида ҳукм чиқариши мумкин эмас, деб таъқиқлаган.)
2. Ўликни тез кўмишга шошилиш;
3. Қизни вақтида эрга беришга шошилиш;
4. Намозни ўз вақтида ўқишга шошилиш;
5. Ўлим келмасидан ўлимга тайёргарлик кўришга шошилиш.

Гувоҳи бўлганингиздек, Чингиз Айтматов тасвирида ҳам, Абдулла Орипов шеърида ҳам шу бешта ҳолатнинг иккинчиси, яъни марҳумни ўз вақтида кўмишга шошилиш миллий қоидаларга мос тасвирланган. Зеро, миллий руҳни яхши билган адиблар ижодида энг кичик деталларда ҳам бу руҳ ўз аксини топади.

# БИТИГ ВА ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Айни йўналишда қилинадиган ишлар жуда кўп. Биз аввал компьютер технологиясида ишлатиладиган сўз ва атамаларни жой-жойига қўйиб, шундан кейин компьютер дастурларини ўзбекчалаштиришимиз керак бўлади. Бир дастурнинг ўзида кўрсатма ва вазифаларни бир неча шаклда қўллаш мумкин: буйруқ шаклида, “-иш” қўшимчали масдар, бош ва жўналиш келишигидаги от шаклларида ва бошқа... Энг муҳими, ишлатадиган сўз ва атамаларимиз, уларнинг ифода шакли ўзбекча лутф, ҳурмат доирасида бўлгани яхши. Ҳар бир сўз ва атамада ўзбек тилининг бойлиги, услубий имкониятлари кенглиги кўриниб турсин. Кўрсатмалар “ёз”, “ўчир”, “ёқ” деб эмас, “ёзинг”, “ўчиринг”, “ёқинг”, “бир оз кутинг”, “ўнг қўлга кўчинг”, “сўл қўлга кўчинг” сингари. Бундай ўринларда соф ўзбекча, ҳамма англайдиган сўзларни излаб топмоғимиз лозим. Тилимиз тарихига эътибор қаратсак, сўз луғатимиз бой эканини биламиз. Тинимсиз изланиш ва меҳнат ҳамда вақт талаб этилади. Ташқи тиллардан оқиб келаётган сўзларга ружу қўявермайлик, имкониятларни кўпроқ ўз тилимиздан топайлик.

Ўзбек тилимиз томири мозийларга бориб туташади. Сўз ўрнини маънодош сўзларимиз тўлдириб келаверади. Сўзларимиз ҳам сермаъно хусусият ва мазмунга эга.

**— Айтганингиздек, она тилимизнинг тарихий илдизлари жуда ҳам теран. Тарихий манбалар, кўҳна битиглар, халқ оғзаки ижоди намуналари бунга далил. Сизни жамоатчилик туркий ёзувлар тарихи, битиглар тили бўйича мутахассис сифатида танийди. Шу ўринда ўзбек тилининг тарихи тўғрисида мулоҳазаларингизни билдирсангиз.**

— Ўзбек тили узоқ асрли ёзув анъанасига эга бўлган энг қадимги тиллар таркибига киради. Унинг тарихи аслида милоддан бурунги даврларга илдиз отган. Биз тилимиз ўтмиши билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Тил тарихи тўғрисида сўз кетганда, аввало, умумхалқ тили ва адабий тил тушунчаларини фарқламоқ керак. Бундан ташқари, жонли тилнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари бор. Ўтмишда ҳар иккисининг ўз атамаси ҳам бўлган. Улуғ шоир ва олим Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида ёзма тилни битиг сўз деб атаган эди. Қадимги туркий тилда битиг – “битиг, ёзув; китоб; хат; ҳужжат” англамларига эга. У “ёзмоқ, битмак” маъносидаги -бити феълидан ясалган. Битиг сўз атамаси “битилган сўз; китобий сўз; матн”, тилшунослик тушунчаси билан айтганда, “ёзма тил, адабий тил” маъносини беради. Бунинг акси бўлмиш “оғзаки тил”ни, “нутқ”ни Юсуф Хос Ҳожиб тилин сўз, Адиб Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий сингари ижодкорлар эса ўз асарларида ағиз тил деганлар.

Муҳими шундаки, умумхалқ тилининг ҳам, адабий тилнинг ҳам ўз тарихи бор. Жумладан, ўзбек умумхалқ тилининг тарихи олтой давридан бошланади. Ёзма адабий тилининг тарихи эса туркий матн тузиш анъанасининг бошланиши, ёзма тил ўлчовларининг юзага келиши ва уларнинг қатъийлашуви билан боғлиқ. Шунга кўра, ўзбек адабий тилининг тарихи ёзма ёдгорликлари маълум бўлган қадимги турк давридан (V–VIII юзйилликларда яратилган битиглар тилидан) бошланади.

Туркий халқларнинг булардан-да эски, ҳатто милоддан бурунги даврларга тегишли ёзув ёдгорликлари ҳам топилган. Бироқ улар йирик матнлар эмас, турли буюмлар сиртидаги бир-икки сўз ва қисқа жумлали битиглардир. Улар ёзма тил тарихини ўрганиш учун озлик қилади. Шунинг учун, ҳозирча, адабий тил тарихини туркий халқларда ёзув маданияти ва матн тузиш анъанаси юксалган, саводхонлик даражаси юқори бўлган Биринчи ва иккинчи турк (кўк турк) хоқонликлари давридан бошлангани маъқул. Кейинчалик, яна йирикроқ битиглар топилса, адабий тил тарихини нарироққа суришнинг имкони бўлар.

Ўзбек тили ўзининг узоқ асрли тарихий такомили даврида бир қанча босқични ўтган. Тил тарихи, ўз навбатида, бир неча манбалар асосида ўрганилади. Таъкидламоқ ўринлики, тил тарихини ўрганишда энг ишончли манба бугунгача етиб келган ёзув ёдгорликларидир. Ўтмишда туркий тилда яратилган диний-фалсафий асарлар, бадиий адабиёт намуналари, тарих китоблари, эпиграфик матнлар, қабртош ёзувлари, ҳуқуқ, хўжалик ишларига тегишли ҳужжатлар ва бошқа ёзма обидалар ўзбек тили тарихини ўрганишда энг муҳим манбалар саналади. Муҳими, илк ва ўрта асрларда туркий тилдагина эмас, хитой, суғд, араб ва форс тилларида ҳам туркий тиллар тўғрисида маълумот берувчи луғат ва грамматик асарлар яратилган. Улар ҳам туркий тиллар тарихини ўрганишда ишончли манба бўла олади.

Яна халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам тил тарихининг асосий манбалари саналади. Қадимги халқларнинг афсонаю достонлари, эртаклари, қўшиқлари, мақол ва иборалари жуда қадимги замонларга илдиз отган ва муштарак боғланади. Фольклор бадиий тафаккурга, тил анъаналарига таянади; юзйилликлар оша шаклланган ушбу ижод намуналари эски тилни ўзида яхши сақлайди. Эски жойлар, шаҳар ва қишлоқларнинг оти, тоғ ва сувларнинг оти ва бошқа географик отлар, халқ ва уруғларнинг оти тилнинг эски қолдиқларини сақлаб келмоқда. Улар ҳам тил тарихини ўрганиш учун муҳим манба вазифасини ўтайди. Тил тарихини юқорида тилга олинган ана шу манбаларга таянган ҳолда ўрганамиз. Бу тарих билан шуғулланувчи мутахассис ўша манбаларни ўқий олмоғи керак.

**— Эски қўлёзмалар, тарихий манбалар ўтмишдан сўзлайди. Уларда аниқ далиллар кўп, гоҳида чалкаш маълумотлар ҳам учраб қолади. Фанда таҳлил, қиёслаш ва талқин деган тушунчалар бор: буларга қандай қарайсиз?**

— Қўлёзма матндаги бир сўзни хато ўқиш ва нотўғри тушуниш баъзан талқинни ҳам чигаллаштириб юбориши мумкин. Ёзма манбани нашрга тайёрлаш иши анча қийин. Шу ўринда эски васиқаларни ўқиш ва уларнинг талқини билан боғлиқ бир-икки мисол келтираман. Бугунга қадар илк ўрта асрларда яратилган васиқалар сақланиб қолган.

Васиқа – кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқийлигини таъминловчи, яъни олди-бердини, гаровга қўйилган буюмни, сотилган ёки ижарага олинган мулкни, меросни, шунингдек, қулларга берилган эркинликни, сотилган қулнинг бундан буёнги эгасини, асраб олинган боланинг эндиги ота-онасини тасдиқловчи, далилловчи расмий ҳужжат.

Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида ФВ 277/1, О.2 кўрсаткичи остида сақланаётган ҳужжатда кичик буддавий жамоанинг битими берилган. Васиқа эски уйғур ёзувида. Унда шундай жумла бор: *Ким қайу бу ўн кичиг қурда кетайин тесар, балиқ бегика башлиғ эт берсун, қамағ кичиг қурқа бир семиз қўйн, бир қап эдгу бўр, Тсў-сў бурханқа бир йивак тўн берсун.*

Ушбу жумладаги башлиғ эт сўзини олима Л.Ю.Тугушева ҳужжатнинг бир нашрида башлағ ат деб ўқиб, русчага “лошадь вольного выпаса” деб ўгирган, кейинги нашрида эса башлиғ эт деб ўқиб, русчага “туша (букв.: мясо) с головой” деб ўгирган. Бирикманинг башлағ ат деб ўқилиб, “лошадь вольного выпаса” дея талқин қилинуви тўғри эмас. Ундай бўлганида, бўшлағ ат (яъни “эркинликда юрган от”) деб ёзилган бўларди; ваҳоланки, матнда у <а> ҳарфи билан башлиғ шаклида ёзилган.

Яна кейинги сўз ат эмас, эт ўқилади. Чунки қўлёзмада эт сўзи, уйғур ёзувининг принципига кўра, битта “алиф” ҳарфи билан ёзилган, агар ат бўлганида қўшалоқ “алиф” билан ёзилган бўларди. Шунинг учун ушбу бирикма башлиғ эт деб ўқилгани тўғри. Бироқ юқоридаги талқинда озгина чалғиш бор, назаримизда. Чунки ҳозирги ўзбек тилида тўш деганда “қўй ё молнинг тўши; гўштининг бир бўлаги” тушунилади. Чалларда ёки бешик тўйида қуда тарафга тўш, яъни тирик мол эмас, балки гўштининг бир бўлаги жўнатилади. Буни кўп ўйладим. Негадир, васиқанинг шартига кўра, шаҳар бегига тўш берилиб, қолган кичик лавозимдагиларга семиз қўй берилиши мантиқдан эмас. Ўйлаб-ўйлаб, эсимга тана деган сўз келди: “қорамол; йирик ҳайвон”, кўпинча “буқа” англашилади бунда; ўғил тўйида ёки йирик маросимда тана сўйилади. Вилоятларда, кўпинча, чорва билан шуғулланувчи жойларда куёв томон қиз томонга тана (қорамол) беради. Қиз томон куёв яқинлари билан келганда тананинг тўшини пишириб дастурхонга қўяди. Ҳозир ҳам бу урф-одат мавжуд.

Шунинг учун, ушбу васиқадаги башлиғ этни “бошли тўш”, яъни “хом гўшт” (“туша с головой”) эмас, “тана” (яъни “қорамол”) деб олингани маъқул. Шунга мувофиқ ҳолда, унинг сифатловчисини башлағ эмас, башлиғ (яъни “бошли”) деб ўқиймиз. Тана деганда тирик қорамол (яъни буқа ёки ғунажин, баъзан туя) тушунилади. Ҳозирги ўзбек тилидаги тана тушунчаси қадимги туркий тилдаги башлиғ эт билан бир нарсадир.

Шундай деб олинганда, матндан англашилган фикр ҳам изига тушади: шаҳар бекига тана берилади, қолганларга эса ундан кичикроқ бўлган қўй ва бошқа нарсалар берилади. Мана юқорида келтирилган жумланинг тўлиқ ўгирмаси: “Кимда-ким бу ўн кичик қурдан чиқаман деса, шаҳар бекига бошли эт [яъни тана] берсин, барча кичик қурга [яъни жамоага] бир семиз қўй, бир меш тоза май, Тсў-сў роҳибга бир ипаклик кийим берсин”.

Матн талқини билан боғлиқ бошқа бир мисол. Берлин қўлёзмалар фондида Т.М.95 (U 5235) кўрсаткичи остида сақланаётган эллик тош бўз эвазига қулни алмаштирилганлик тўғрисидаги ҳужжат сақланмоқда. У шундай бошланган: *Тўнғуз йил, икинти ай, уч йангиқа менга, Қуғдамуни Тамуйқа йунглақлиғ бўз кергак бўлуп, Алпиштин элик таш бўз элигта алип, ўзумнинг Йунчи атлиғ ўн уч йашар эр уланни Алпишқа турғу-тўмлиту сатдим.*

Бу жумладаги эр улан сўзини нашрларда “ўғлимни” дея талқин этганлар. Бундай талқин қилинганда “ота ўз ўғлини бўз эвазига сотиб юборган” деган маъно келиб чиқади. Бизнингча, бундай эмас. Чунки бу ўринда эр улан – “ўғул” эмас, “қул”ни англатади. Юқоридаги жумладан “бўзнинг эвазига ўн уч яшар ўғлимни” эмас, “ўн уч яшар қулимни сотдим”, деган мазмун келиб чиқади. Тасаввур қилинг, бир сўз маъносини хато тушуниш билан ўтмишимизни қораотлиқ қилиб қўйишимиз мумкин. Халқимиз қийин чоғда ҳам боласини сотиб юборган эмас, қийналса ҳам ўзи боққан. Шунга кўра, матнни қуйидагича талқин қилиш мумкин: “Тўнғиз йили, иккинчи ойнинг учинчи куни менга, Қуғдамуни Тамуйга ишлатиш учун бўз керак бўлиб, Алпишдан эллик тош бўзни қўлимга олиб, (эвазига) ўзимнинг Юнгчи отли ўн уч яшар қулимни Алпишга узил-кесил сотдим”.



Шунинг учун ҳам матнни ўқиш ва уни талқин қилишда синчковлик билан ёндашмоғимиз керак бўлади.

Ёзма ёдгорликларнинг илмий нашрларини яратиш ҳам ўта керакли ва фойдали иш. Чет эллардаги йирик туркологик марказларда туркий ёзма ёдгорликлар, хусусан, энг кўҳна битиглардан тортиб эски ўзбек тили ёдгорликларига қадар, бари илмий транскрипцияда берилади. Ҳатто Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг илмий нашрлари ё асл ёзувида, ёки транскрипцияда. Негадир биздаги илмий нашрларда транскрипцияга эътибор қаратилмаяпти. Ҳатто докторлик диссертацияларида ҳам мумтоз ижодкорлар асарларидан келтирилган ўрнаклар ҳозир ишлатаётган ёзувимизда. Охир-оқибат ўзбек олимлари тайёрлаган нашрлар чет элларда тан олинмаётир. Биздаги илмий нашрларнинг дунё шарқшунослиги, чет эл туркологиясига тенглаша олмаётганлигининг бош сабаби ҳам ана шунда.

Нашрлар икки хил бўлади: бири кенг жамоатчиликка аталган, бошқа бири – илмий нашрлар. Кўпга аталган нашрларнинг жорий ёзувда берилиши табиий. Чунки мактаб ўқувчисидан тортиб ўқимишли кишилару китобсеварлар классик шоирларнинг асарларини ўқиб ўрганмоғи, фикри озуқланмоғи керак. Лекин филолог-мутахассислар учун мўлжалланган илмий китоблар транскрипцияда берилгани маъқул. Бу нақадар жиддий масала. Жўнгина бир мисол. Алишер Навоий асарларида келган ўт сўзидаги унли товуш икки хил талаффуз қилинади: агар йўғон талаффуз қилинса, “ўт, олов” маъносини, ингичка талаффуз қилинса, “ўтмак (буйруқ)” ёки “ўт қопчаси”ни билдиради. Улар мазмунига кўра бошқа-бошқа сўзлардир. Шунга яраша, ушбу сўзларга қўшимчалар ҳам икки хил қўшилади: биринчисига қўшимчанинг йўғон эши (варианти) қўшилиб, ўтқа, кейингисига эса қўшимчанинг ингичка эши қўшилиб, ўтмак бўлади.

Бу сўзлардаги унлиларнинг йўғон ёки ингичка эканини уларга қўшилаётган қўшимчаларга қараб ҳам ажратиш мумкин. Ёки: туздаги у товуши йўғон талаффуз қилинса, “ош тузи, намак”, ингичка айтилса, “тўғри (киши); текис (ер)” ёки “созни созлашга буйруқ” англамларида келади. Яна ўлтурдаги унлилар йўғон айтилса, “(курсига) ўтирмоқ”; ингичка талаффуз қилинса, “(кишини) ўлдирмак” маъноси англашилади. Шунинг учун ҳам, биринчисига қўшимча қўшилганда, ўлтурғуси, кейингиси эса ўлтургуси бўлади. Бирининг ўрнида бошқасини қўллаб бўлмайди, сўзнинг маъноси буткул ўзгариб кетади. Ҳозирги нашрларда эса буларнинг иккаласи ҳам бир хил ёзилмоқда. Ушбу нашр асосида Навоий асарлари сўзлигини яратмоқчи бўлган изланувчи ҳам ўз-ўзидан саноқда янглишади, уларни қориштириб юборади. Бунинг сингари мисоллар талай. Илмий транскрипция эса бундай чигалликларнинг олдини олади. Яна бир жиҳати, мумтоз асарларимиз тилида ўзига яраша уйғунлик бор: айтилиши йўғон ўзакли сўзларга, қўшимчаларнинг ҳам йўғон эшлари, ингичка ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг ҳам ингичка эшлари қўшилган: айламак, билмак, кетмак, тузмак; қарамақ, ўқимақ каби. Ҳатто сўздаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига қараб, қўшимчаларнинг қўшилишида ҳам уйғунлик бўлади: кўзум, сўзум ёки элим, тилагим сингари. Туркий унлилар тизимидаги бундай уйғунлик, ўз ўрнида, матн жозибасини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

**— Тилимизнинг қайси тарихий даврлари сизни кўпроқ қизиқтиради? Илмий изланиш олиб бораётган йўналишингиз ҳақида билмоқчимиз.**

— Илк ўрта асрлардан қолган ёзма обидалар, қадимги ёзувлар, уларнинг тарихи мени кўпроқ қизиқтиради. Мен бор билимимни, кучимни ана шу ёдгорликларни ўрганиш, уларнинг илмий нашрларини яратишга сарфлашни истардим.

Биз ўзбек ёзуви тарихини араб алифбосидан бошлайдиган бўлсак, катта бир методологик хатога йўл қўйган бўламиз: гўё исломга қадар халқимизнинг ёзуви ҳам, ёзма адабиёти ҳам бўлмагандай. Шунинг учун ҳам ўзбек ёзув маданияти тарихини икки катта даврга: биринчиси, араб ёзуви кириб келгунга қадар бўлган давр, иккинчиси эса араб ёзуви ва унда яратилган ёдгорликларга бўлиб ўрганмоқ керак. Ваҳоланки, араб ёзуви кириб келгунга қадар, боболаримиз бир эмас, бир қанча такомиллашган алифболардан фойдаланган. Кўк турк, суғд, уйғур, моний, браҳма, сурёний ёзувлари шулар жумласидан.

“Туркий-рун, ўрхун-енисей, кўк турк ёзуви” деб аталаётган қадимги туркий хат аждодларимизнинг йирик кашфиётларидан бири эди. Ўз даврида бу ёзув доираси Узоқ Шарқдан бошлаб, Олтой ўлкалари, Марказий Осиё бўйлаб Шарқий Европагача ёйилган. Кўк турк ёзувида битилган тарихий-бадиий асарлар адабиётимиз тарихининг тенги йўқ нодир ёдгорликлари бўлиб, улардаги инжудай тизилган шоҳ сатрлар ўқиган кишининг кўнглини тўлқинлантириб юборади, ёшларга она-юртни севмоқни, қутлуғ ер-сув, тиниқ кўкни кўз қорачиғидек сақламоқни ўргатади. Ватанга нисбатан кучли меҳр-муҳаббат туйғуси уйғонади.

Суғд ёзуви милоддан аввал юзага келиб, араб истилосига қадар кенг ишлатилган. Суғдларнинг Буюк ипак йўлида олиб борган савдо-сотиқ ишлари, буддизм ва монийликни ёйиш мақсадидаги уринишлари ҳамда маданий таъсирлар туфайли суғд тили билан бирга, ёзуви ҳам узоқ ўлкаларга ёйилди. Шунинг учун ҳам суғдча битиглар суғдларнинг ўз тупроқларидан ташқари, Марказий Осиёнинг узоқ ўлкаларидан ҳам топилган. Яна бир жиҳати, суғдча ёзувдан туркий халқлар ҳам фойдаланган. Туркий битиглар орасида суғдча алифбода ёзилганлари ҳам бор. Яна суғдча алифбо негизида туркий халқлар уйғур алифбосини ҳам яратганлар.

Ҳозир фанда “уйғур ёзуви” дея аталаётган қадимги алифбони Маҳмуд Кошғарий “турк ёзуви”, Алишер Навоий “туркча хат” деб атаган. Ушбу ёзув оромий тизимидан ўсиб чиққан бўлиб, исломга қадар ҳам, ислом даврида ҳам кенг қўлланган. Муҳими, бу ёзув XI–XV юзйилликларда турк-ислом дунёсида араб хати билан ёнма-ён ишлатилган. Ота-боболардан қолган ушбу ёзувдан Темурийлар ҳам кенг фойдаланди. Уйғур хати шарқий уйғурлар орасида ҳатто XVIII юзйилликда ҳам амал қилган эди. Шунинг учун бўлса керак, уйғур хатида битилган туркий ёдгорликлар ниҳоятда кўп. Айни чоғда улар дунёнинг йирик қўлёзма фондларида сақланиб турибди.

Ўзбек ёзуви маданияти тарихини, ўзбек адабиёти ва адабий тили тарихини, ота-боболаримиз меросини ўша битиглар ва уларда яратилган ёдгорликларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Тарихимиз ўша обидалардан бошланган. Халқ тарихи, адабиёт тарихига ана шундай кенг қарашимиз, миллат илдизларини теранликдан изламоғимиз лозим.

Энг муҳими, Марказий Осиёнинг қадим халқлари ишлатган ёзувларда битилган илмий ва маънавий мерос жуда бой. Илк ва ўрта асрлардан терига, қоғозга ёзилган ёдгорликлар, тошлардаги битиглар, сопол, металл буюмлар, ёғочга битилган эпиграфик матнлар, ёзувли тангалар ва тамғалар сақланиб қолган. Шунингдек, эски қабртошлар, қояларга ўйиб ёзилган битиглар ҳам анчагина. Қадимги ёзувлардаги китоблар, расмий ҳужжатлар, турли битиглар ҳозирги пайтда дунёнинг йирик кутубхоналари, қўлёзма хазиналари, тарих музейларида сақланмоқда.

Исломдан бурунги пайтлардан сақланган ёзма меросни ўрганиш, улар устида илмий тадқиқот олиб бориш ўта жиддий масала ва иш. Бунинг ўзига яраша қийинчилиги ҳамда ечими бор: бири – ёзувнинг мураккаблигида. Қачонлардир кенг қўлланган, ҳозирда унутилган ёзувларни ўқиб, уни тадқиқ этиш; иккинчиси – ёдгорликларнинг тили. Уларнинг тили ҳозирги жонли тиллардан тубдан фарқ қилади, айримлари буткул унутилиб, ҳозир ўлик тилларга айланган.



Яқин ўтмишда ҳам ўзбек олимлари Марказий Осиё халқларининг энг эски ёзма обидаларини, хусусан, исломдан бурунги даврларда битилган асарларни рус ёки ғарб олимларининг ишлари, уларнинг транскрипцион нашрлари ва таржималаридан олиб ўрганар эдилар. Энг эски битигларни биладиган, асл манба билан ишловчи мутахассисларимиз йўқ эди. Ҳозир бу тугун ҳам ўз ечимини топа бошлади.

Ўзбек шарқшунослигида, саноқли эса-да, кўҳна суғд, қадимги туркий битигларни (туркий рун, эски уйғур ёзувларини) асл манбалардан, уларнинг қўлёзмалари ва битиг тошлардан ўқиб ўрганувчи мутахассислар етишиб чиқа бошлади. Эндиги вазифа, уларнинг билимини ёшларга ўргатиш, мутахассисларнинг ёш авлодини етиштириб, бу соҳаларда ғарб илми даражасига интилишдан иборат.

**— Улуғ инсон, академик, зукко олим Алибек Рустамов билан кўп суҳбатда бўлганман. Домладан кўп нарса эшитиб билганман. У киши бир суҳбатимизда олис мозийдан, кўк турк ёдгорликлари: Тўнюқуқ, Кул тигин, Билга хоқон, Унгин битиглари, “Олтун тусли ёруғ” отли будда сутрасининг узиндиси, уларнинг ўзбекча талқини ҳамда илмий изоҳлари, тилимиз тарихининг нақадар бой эканлиги тўғрисида тўлқинланиб гапиргани хотирамда муҳрланиб қолган. Сиз домладан нималарни ўргандингиз?**

— Мен устозларимиз Ғанижон Абдураҳмонов ва Алибек Рустамовнинг “Қадимги туркий тил” китобини ўқиб, тил тарихига кириб келганман. Кейинчалик уларнинг “Навоий тилининг морфологик хусусиятлари” номли китоби ҳам чиқди; ўзбек тилшунослиги учун ниҳоятда қадрли асарларга айланди булар.

Алибек Рустамов оғир, босиқ киши эди, кўп гапирмасди. Оз сўзлардию маънили гапирарди. Айниқса, сўз ва унинг маъносига, сўзни ўз жойида ишлатишга катта эътибор қиларди домла. Газетада бўладими ё илмий мақоладами, хато ишлатилган сўзни, ғализ жумлани ўқиб қолгудек бўлса, аччиғланиб кетарди. Менга кўп ёққани, ўзбекча фикрлаб, ўзбекча ёзарди; ноёб истеъдод эгаси эди. Унинг асарларини роҳатланиб ўқийди киши: лўнда, аниқ, тушунарли; илмий мақолалари ҳам, оммабоп ишлари ҳам. Ўқувчини толиқтирмайди. Алибек Рустамовнинг ўзига хос услуби бор эди.

Яна домла чуқур, маъноли фикрларди. Унинг “Сўз ҳақида сўз” ёки ўлимидан кейин нашрдан чиққан “Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами” китобларини ўқинг, ҳайратга солади кишини.

Домла эски туркий тилни ҳам, арабчани ҳам, форсчани ҳам яхши биларди. Навоий асарларини яхши шарҳлаб берди ўзбек адабиётшунослигига. “Қадимги туркий тил” китобида ва бошқа бир неча илмий мақоласида Тўнюқуқ, Кул тигин, Билга хоқон, Унгин битигларини, “Олтун тусли ёруғ” отли будда сутрасининг бир бўлагини кучли талқин қилган. Матнларнинг ўқилиши ҳам бошқа туркологларнинг ишидан тубдан фарқланиб туради.

Яна у донишманд Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асари устида ҳам узоқ ишлади: уни рус тилига таржима қилди. Бурунги таржималардаги хато ва камчиликлар тузатилди унинг ишида. Асарнинг биринчи китоби, домланинг кўзи тириклигида, Москвада нашр этилди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида бир бўлимда, Туркиёт кафедраси аталарди у пайтларда, домла билан анча йил бирга ишладик. Алибек Рустамовдек олим билан бирга ишлаганимдан бахтиёрман.

**— Тилимизни асраш, бойитиш, уни қадрлаш, ўрганиш учун яна нималар қилишимиз керак деб ўйлайсиз?**

— Ота-боболардан мерос қолган ёзма ёдгорликлар ва ўзбек халқ шевалари ўзбек адабий тилининг бойиши учун битмас-туганмас манбадир. Тилимизни бойитиш учун, аввало, ёзма ёдгорликларга, халқ шеваларига мурожаат этмоғимиз лозим. Ўтмишдан қолган бадиий адабиёт намуналарида, шеваларимизда биз ҳали эшитмаган қанчадан-қанча сўзлар бор. Бу сўзлар юзйилликлар оша ишлатилиб, синовлардан ўтиб, тугалликка эришган. Уларнинг ясалишида ҳам, маъносида ҳам кемтиклик йўқ: ихчам, содда ва аниқ, қолаверса, жуда чиройли, қулоққа ёқимли.

Ўзбек шеваларида балдиз деган сўз бор. Ихчам, чиройли атама. Бу сўз Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида ҳам келтирилган. Муаллифнинг таъкидлашича, балдиз – хотиннинг синглиси. Эрнинг синглиси балдиз дейилмайди, сингил дейилади.

Маҳмуд Кошғарийнинг луғатида қирғил эр деган сўз бор, “ўрта ёшли киши”ни билдиради. Ёки бўктал эр дейди, бу “ўрта бўйли киши”ни билдиради. Қадимги туркий тилда сандувач сўзи бор, “булбул” дегани. Қаранг, ниҳоятда чиройли сўз. Ёки “саъва”ни сундулач, “бедана”ни бўдурсун деган боболаримиз; “қалдирғоч”ни эса қарғилач аташган, унинг қарлиғач шаклидаги талаффузи ҳам бор.

Қадимги халқ қўшиқларидан бирида ёз билан қишнинг тортишуви кечади. Қўшиқнинг бир бандини Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғати-т-турк” асарида келтирган, унда қушларнинг таърифи чиройли берилган. Ёзнинг қишга қарата айтаётган сўзи:

**Сенда қачар сундилач,**
**Менда тинар қарғилач.**

**Татлиғ ўтар сандувач,**
**Эркак-тиши учрашур.**

Маъноси: Саъва сендан қочади, менда қалдирғоч тин олади, роҳатланади. Булбуллар ёқимли сайрайди, (қушларнинг) нари билан модаси топишади.

Шундай чиройли сўзларимизни нега ишлатмаслигимиз керак? Ёзма ёдгорликларда учраган, лекин ҳозир унутилган айрим сўзларни адабий тилда тиклаш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Мен булбул ёки саъва сўзларини чиқариб ташлаб, ўрнига фақат сандувач, сундулач сўзларини ишлатайлик демоқчимасман. Уни ҳам, буни ҳам ёнма-ён ишлатаверайлик; бадиий матнга ортиқча юк тушмайди. Ютганда, она тилимиз ютади.

Адабиётимизнинг забардаст устунларидан Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Огаҳий сингари улуғ классик ижодкорлар она тилимиз ривожига улкан ҳисса қўшдилар; ўзбек ёзма адабий тилини юксак даражага олиб чиқдилар. Улар ўз асарларида қўллаган сўзларни ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам ишлатаверишимиз керак.

**— Ҳозир ўзбек тилига эътибор катта: кўплаб илм масканларида ўзбек тили кафедраси бўлими очилиб, уни ўрганишга иштиёқ кучаймоқда; ўзбек тили чет элларда ҳам ўрганилмоқда. Сиз, ҳойнаҳой, булардан хабардор бўлсангиз керак.**

— Европанинг етакчи университетларида лотин тили кенг ўқитилишини эшитганмиз. Бунинг сабаби, лотин тилида системалиликнинг кучлилиги бўлиб, талаба онгида системаликни шакллантиришнинг энг ўнғай йўли тил ўргатиш экан. Тил қонунларини яхши эгаллаган талабанинг фикрлаши ҳам юқори бўлади. Келгусида уни яхши билган олим, математик бўладими, физик бўладими ёки тарихчи олимми, қатъи назар, унда фикрлаш, янгиликлар яратишга мойиллик кучли бўлар экан. Табиийки, бундай олим фанда кўп янгиликлар яратади, кашфиётлар қилади.

Сўнгги кезларда немис олимлари яна бир янгилик қилди. Улар лотин тилига қараганда туркий тилларда системалилик кучли эканлигини аниқлашди. Шунинг учун ҳам Германияда туркий тилларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг тажрибаси бошқа илғор мамлакатларга ҳам ёйилмоқда. Ўзбек тили ҳозир чет элларда ҳам ўргатилмоқда: бу фан қатор мамлакатлардаги йирик университетларнинг ўқув режасига киритилган. Шу жумладан, дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўқитиш ҳам йўлга қўйилгани маълум.

Ўзбек тили ва адабиётига қизиқиш чет элларда йил сайин ортиб бормоқда. Манбаларга қаралганда ҳозирги пайт дунёда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони эллик миллиондан ортиқроқ инсонни ташкил қилиши қайд қилингани ҳамда жаҳоннинг 65та олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитилиши ва ўрганилаётгани нафақат олимларимизда, қолаверса, кенг жамоатчиликда ҳам улкан қизиқиш уйғотиб келмоқда. Бу эса, она тилимизнинг нуфузи ва мавқеининг юксалишидан далолат беради.

**Мамадали ЭРОНОВ**
**суҳбатлашди.**

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА

## СИНОВДАН ЎТИШГА ҚОДИР ХАЛҚИМИЗ



Уйда қолиб, уйда қолиб, уйда қолиш,
Ишхонада ишларимиз қолиб кетди...
Масофани сақлайвериб, сақлайвериш
Жон-жигарни бир-биридан йироқ этди...

* * *

Кўкданми, ерданми келди бу вабо,
Бандаларнинг қай бир гуноҳи учун...
Бириникини мингга ёймагин, Худо,
Пок қалблар кафтида турган бу дунё.

* * *

Бардамлик, бирдамлик, қатъий интизом,
Садоқат, саховат, сабр, матонат,
Шаффофлик, оқ ният, аъло руҳият,
Дуо ҳам ибодат – Аллоҳдан мадад,
Мана бизнинг интиқом!
Синовдан ўтмоққа қодир халқимиз,
Саломат яшашга тўла ҳақлимиз!

* * *

Ой санадик, кун санадик, ҳамон ниқоб...
Қачон кўрар юзимизни интиқ офтоб.
Бунчалар ҳам жони қаттиқ вирус қурғур,
Қачон кетар жаҳаннамга тожи сингур?!

* * *

Қип-қизил, қип-қизил, қип-қизил адр,
Қонрангин юлдузлар каби лолазор...
Гулдаста тугишга шошилманг ҳозир,
Қурбонлар руҳига тегмасин озор...

* * *

Ёз келди, ёз келди, дастурхонни ёз келди,
Мева-чева ёғилиб, баракаси соз келди,
Олов қуёш тиғидан ҳансирайди майсалар,
Йўқотишлар дардида танамга аёз келди...

* * *

Совчиликни уддалади телефон-дастёр,
Тўй ўтказди ўттиз меҳмон ими-жимида...
Жаранглатиб айтолмадик келинга ёр-ёр,
Карнай-сурнай садосини соғиндик жуда...

* * *

Япроқлар рақсига мафтункор Омон,
“Олтин қушчалар”га менгзади Матчон...
Дайди ел қувади уларни ҳамон,
Боғ-роғда қолдириб бир уюм хазон.

* * *

“Сабрнинг таги олтин” – шифобахш ҳикмат,
У – кайфият, у – ишонч, у – жонга мадад.
Бу ниқоблар йиртилар, яқин эртага,
Бу кунлар ҳам айланар дардли эртакка...

* * *

Икки ёрнинг орасига тушди ҳижрон,
Бир-бирига етишолмай толиб кетди...
Борай деса йўллар ёпиқ, ёпиқ осмон...
Бири Ғарбда, бири Шаркда қолиб кетди...

* * *

Девонидан варақ очди – Тарих Қорбобо,
Қайтмас бўлиб кет, эски йил, алвидо, Синов...
Яхшиликни мерос қолдир, Сиҳатлик сийлов,
Озод нафас олсин энди чарчаган дунё.

## Таваллуд кунлар



**Ҳамид Олимжон** – 12 декабрь (1909 йил) – Ўзбекистон халқ шоири.



**Тошпўлат Ҳамид** – 12 декабрь (1927 йил) – шоир.



**Йигитали Турсунназаров** — 13 декабрь (1941 йил) — Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми.



**Рустам Самиғович Абдуллаев** — 13 декабрь (1947 йил) — мусиқашунос олим, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

### МАЪНАВИЯТ ДАФТАРИ

Ким шеърни севса,
у бахтли одамдир.

**Асқад МУХТОР**



## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан эълон қилинган “Замонавий драматик, мусиқали драма ва қўғирчоқ пьесалари танлови” якунига етди.

Республикамизда фаолият юритаётган профессионал театр санъати ривожини янги босқичга кўтариш, театрлар репертуарини мукаммал саҳна асарлари билан бойитиш, драматург, ёзувчи ва шоирларни соҳага кенг жалб этиш ҳамда ёш қаламкашларнинг ижодларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловга тақдим этилган қиркдан ошиқ саҳна асари вазирлик ҳузуридаги Бадиий баҳолаш комиссияси томонидан кўриб чиқилди.

Танлов натижаларига кўра, “Замонавий драматик йўналиш” бўйича 2-ўрин К.Ҳамроевнинг “Адолат тантанаси”, 3-ўрин Ж.Маҳмуднинг “Тўғон” драмасига насиб этди.

Қўғирчоқ пьесалар бўйича 2-ўрин У.Ўсаровнинг “Хонатлас”, 3-ўрин М.Очилованинг “Ботир йигит ва Пари қиз” асарларига берилди.

Танловда иштирок этган ўттизга яқин асар давлат театрларида саҳналаштириш учун театрлар Бадиий кенгашларига тавсия этилди.

## ЭНГ ЯХШИ АСАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, мақом санъатини янада ривожлантириш ва замонавий бастакорлик ижодиёти анъаналарига сингдириш, мақом йўлларида ижод қилиб келаётган бастакорлар, композиторлар, мусиқашуносларни кашф этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Маданият вазирлиги, Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ҳамда Миллий ахборот агентлиги, Ўзбек миллий мақом санъати маркази бастакорлар ўртасида “Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар” республика кўрик-танловини ташкил этган эди.

Куни кеча Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг мажлислар залида ушбу кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловда барча вилоятлардан бастакорлар ўз асарлари билан иштирок этишди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, М.Тожибоевнинг “Фарёди ушшоқ”, А.Исмоиловнинг “Соғинсам” асарлари биринчи ўринга муносиб топилди. Э.Рўзматовнинг “Қашқарчаи Соқийномаи сарахбори оромижон”, Р.Иноятовнинг “Савти Фарғонача жонон” асарлари иккинчи ўринга сазовор бўлди. Ҳасан ва Ҳусан Жўраевларнинг “Янги сарахбор тароналари ва уфориси”, А.Жалиловнинг “Наманган ушшоғи”, Ў.Расуловнинг “Мўғилчаи тўлқин” асарлари учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

**Зуҳра ТУРОБОВА**

## ГАЛЕРЕЯ:

### Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ижодидан



*Манзара*



*Портрет*



*Этюд*



*Натюрморт*

# КЎЗЛАРГА НУР, ҚАЛБЛАРГА ҚЎР УЛАШИБ

*Аҳолининг саломатлик даражаси юртнинг тараққиёти, бойлиги, фаровонлиги ва ободлигини намоён этувчи кўрсатгичдир. Аллома шоир: “Соғлигинг қадрига етгил хаста бўлмасдан бурун”, деб бежиз айтмаган. Бир донишманд эса: “Соғлик киши бошидаги энг муҳташам тождирки, уни фақат соғлом одамгина кўра олади”, деган экан. Ҳеч шубҳасиз, бу гаплар айни ҳақиқат.*

Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар энг эзгу мақсадга, касалликларни барвақт аниқлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш, яъни одамларимизнинг саломатлигини таъминлашга йўналтирилган.

Ҳозирги пайтда тиббиёт тармоқларини нафақат пойтахтда, балки вилоятлар, узоқ ҳудудларда ҳам изчил ривожлантириш, айниқса, соҳада хусусий секторни кенгайтириш, зарур муолажалар олиш ва даволаниш учун одамларга қулай шарт-шароитлар яратиш замон талабига айланди. Бу борадаги ишлар бугун ўзини тўла оқламоқда.

Қатрада қуёш акс этади деганларидек, мазкур тармоқда олиб борилаётган кенг миқёсли ишлар Андижон шаҳридаги “Фокус” фаолияти мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Ушбу шифохона нафақат вилоят ёки мамлакат, балки қўшни давлатларда ҳам яхши танилган. Одамлар ушбу шифохона раҳбари, ўз ҳаётини эл-юрт саломатлигини асрашдек ғоят масъулиятли ва шарафли ишга бағишлаган кўз шифокори Муҳаммаджон Тўраевни жуда яхши билишади. Уни тажрибали ва маҳоратли, қўли енгил шифокор деб айтишади. Муҳаммаджон Тўраевнинг шу соҳада ишлаётганига ўттиз йилдан ошди. Ўз касбининг устаси бўлиб етишишида устозлари – тиббиёт фанлари номзоди Алишер Худойбердиев ва Ҳабибулло Абдухолиқовнинг хизматлари катта.

Муҳаммаджон Тўраевнинг иш куни ўзгармайди, тонгги соат 5 дан бошланади. Тажрибали шифокор ҳозир ҳам соатлаб китоб ўқийди, соҳадаги янгиликлардан бехабар қолмасликка ҳаракат қилади. Шу боисдандир йиллар ўтгани сайин унинг тажрибаси орта борди. У чет давлатларда тез-тез хизмат сафарларида бўлади, у ердаги ҳар бир янгиликни ўрганиш, соҳадаги ҳар бир ўзгаришни ўзимизда татбиқ қилишга ҳаракат қилади.



Муҳаммаджон Тўраев ўзи хусусий кўз клиникаси очишни мақсад қилганида ҳеч ҳам иккиланмади. Чунки унда етарли тажриба тўпланган, халққа танилиб улгурганди. Тўраевнинг ишлари юришиб кетишида давлатимизнинг соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаётгани айни муддао бўлди.

Бутун дунёда асосий эътибор тиббиётдаги барча масалаларни инновацион методлар асосида ечишга қаратилган бир пайтда “Фокус” кўз клиникасида ҳам энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Энг ривожланган давлатларда кўз касалликлари қандай даволанаётган бўлса, бу ерда ҳам худди шундай имкониятлар мавжуд. Масалан, лазер ёрдамида жарроҳлик амалиётлари муваффақият билан амалга оширилмоқда.

“Фокус”да Ҳиндистон, Жанубий Корея, Россия, Польша, Украина каби мамлакатларнинг етакчи тиббиёт муассасалари билан доимий ҳамкорлик изга тушган. Клиника шифокорлари тез-тез турли илмий-амалий конференцияларда иштирок этиб, чет эллик таниқли ва малакали ҳамкасблари билан тажриба алмашишмоқда.

– Яқинда бир гуруҳ ҳиндистонлик кўз шифокорлари клиникамизга келишди, – дейди Муҳаммаджон ака. – Бизни қувонтиргани бугун улар соҳада қандай янгиликларни жорий қилишаётган бўлса, бизда ҳам худди шундай операциялар амалга оширилмоқда. Ҳинд шифокорлари бизнинг фаолиятимиз билан танишиб, ишларимиздан мамнун бўлишди, баъзи ўринларда биздан ўрганишга лойиқ ишларимиз борлигини эътироф этишди.

Ҳаётда инсон учун энг қадрли нарса, шубҳасиз, саломатлик бўлса, шифокорлик касби айни шу маънода энг савобли фаолиятдир. Улар ҳар куни кўплаб инсонлардан “раҳмат” сўзини эшитадилар, бу сўз ҳар бир шифокор қалбига ҳарорат бағишлайди ва ўз касбини яна мукаммал эгаллаш кераклигини таъкидлаб туради.

Клиникага кираверишда М.Тўраев ва унинг шогирдлари номига келган ташаккурномалар дасталаниб туради. Уларнинг қайси бирини айтай: қирғизистонлик Баҳринисо Жаниқулова, тожикистонлик Савринисо Каримова, наманганлик Ботиржон Ахмедов, фарғоналик Ҳафиза Боймуродова, андижонлик Санобар Расулова... Рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Уларнинг ҳар бири самимий қалб изҳорлари, чин кўнгилдан тиланган тилаклар.

– Бундай дил изҳорларини ўқиганимизда чарчоқларимиз тарқаб кетади, – дейди Муҳаммаджон Тўраев.

Шифокор айни пайтда давлатимиз томонидан хусусий тиббиёт соҳасига берилаётган эътибордан фойдаланиб, клиникани янада кенгайтириш, тиббий хизмат сифатини ошириш, энг асосийси, одамларга янада қулай шароитлар яратиш мақсади билан яшаяпти.

— Энди вилоятимиз, қолаверса, Фарғона водийси аҳолисининг кўзни даволаш борасида пойтахтга шифо излаб боришига ҳожат қолмади. Ишларимиздан халқнинг кўнгли тўляпти, – дейди мамнуният билан Муҳаммаджон ака.

**Лобар ҚЎЧҚОРОВА,**
**журналист**

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5013. Буюртма Г - 1255.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 22.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42* *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*